

Мансур ИНЪОМ



Яхшидан боғ

Мансур ИНЪОМ

ЯХШИДАН БОҒ...

(Эссе)

**«Наманган» нашриёти
2015 йил**

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5 Ўзб) 7

И - 36

*Ушбу китоб пиллакор ва соҳибкор,
фидойи инсон Сайдулло Ашуровнинг
порлоқ хотирасига бағишланади.*

Адиб Мансур Инъом (Мансур Иномхонов)нинг номи кўпчилик мухлисларга таниш. Уни ўндан ортиқ тўпламлари чоп этилган. Қўлингиздаги «Яхшидан боғ» номли эссеси қишлоқ хўжалигининг пиллачилик соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, марҳум Сайдулло Ашуровнинг ҳаётига бағишланган.

Адиб эссесида асар қаҳрамонининг ички кечинмаларини, эзгу ишларини, ўз касбига фидойилик каби фазилатларини ёрқин бўёқлар билан тасвирлаган. Китобни ўқиб чиқсангиз, сиз ҳам бунга амин бўласиз.

ISBN - 978-9943-4502-9-5

НГ-1347-4655.5-1376600-2015
1348-(4.0)-(04)

*Ватанимиз ва халқимизга садоқат
билан хизмат қилиш - олий саодатдир.*

Ислом КАРИМОВ.



Кумуш тола яратувчилари.

Эрмамат НУРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ОДДИЙ ДЕҲҚОН ЭДИ

Кечагина сафда эди ёнма-ён,
Кўзида порларди ҳаёт зиёси.
Қиларди фарзандлар кўнглин чароғон
Оталик ҳиссининг меҳригиёси!

Бутун эса... ётар тобутда жимиб,
Юзида абадий уйқу тамғаси.
Алам ёшларини туролмас тийиб
Бунда турганларнинг ҳамма-ҳаммаси.

У гўё барчага энг яқин одам,
Дилларга чўкмишдир тоғдек оғир юк.
У гўё барчага энг ёрқин одам,
Заминдай содда-ю заминдай буюк!

У элга танилган олим эмасди
Ё шуҳрат топмаган айланиб жаҳон.
Тупроқ ишқи билан асло тинмасди,
Оддий деҳқон эди, ҳа, оддий деҳқон!

УНУТИЛМАС КУНЛАР

-1-

Май ойининг охирги кунида Янгиободга дўстим Қаҳҳоржонни кўргани бордим. Уни қишлоққа кираверишда, йўл бўйида учратдим. Дўстимнинг юз-кўзидан нимадандир ташвишда эканлиги яққол сезилиб турарди.

- Тинчликми? Бирор, нохушлик содир бўлди-ми?,
- дедим ҳол-аҳвол сўрашгач, хавотирланиб.

- Ҳаммаси жойида. Биласиз ҳар йили ипак қурти боқамиз. Уч-тўрт йилдан буён барг етмасдан қийнайди. Ўғлимни барг топиб келишга жўнатгандим. Сабрим чидамади, уйга ҳам кирмадим. Жониворлар кечадан буён оч, - деди у ғамгин овозда.

- Ёрдам берамиз. Ҳовлимизда, кўни-кўшниларда тут бор, - дедим бироз уни ҳовридан тушириб.

- Сайдулло Ашуров деган (Худо раҳмат қилган бўлсин) Пилла ширкатнинг директори бўларди. Ҳар бир қишлоқда тутзорлар барпо қилганди. Уни суви-дан тортиб то ўғитигача ҳеч кимга ишонмасдан ўзи назоратга олганди. - Касбининг ҳақиқий фидойиси эди. Қани энди Сайдулло акадек инсонлар кўп бўлса, - деди дўстим куюниб.

Қаҳҳоржоннинг гапида жон бор. Кейинги йилларда негадир тут дарахтига эътибор камайди. Кимдир унга мол бойлаб, ғажитган, яна кимлардир қишга ўтин қилиб кесиб кетган. Келгусида аёлларимиз кўрки бўлган хонатлас ва ипак матоларимиз-

нинг келажаги нима бўлади? Мавжуд тутларни асраб-авайлаб, келгуси авлодга етказишда масъул бўлишимиз даркор эмасми?

Шу пайт барг ортилган юк машинаси ёнимизга келиб тўхтади.

- Хайрият, топиб келишибди, - деди Қаҳҳор-жоннинг чехраси ёришиб. Мен дўстимга ёрдам беришга шошилиб, ортимга қайтдим.

-2-

Ёдимда, 1970 йилнинг баҳор ойлари эди. Янги уйни битириб, кўчиб ўтгандик. Ўша йили бизга ҳам колхоздан ипак қурти беришганди.

- Оиламизда 14 жон бўлсак, бу жониворларга кенгроқ жой керак. Бирор йилдан сўнг олсак бўларди. Шошилдингиз-да, - дедилар дадам онамга юзланиб.

- Муроса-ю мадора деган гап бор. Келинг, ҳар йили ҳам тутиб юрган қуртимиз. Бир томондан ўгини ҳам фойда, - деб онам дадамни юпатган бўлдилар.

Уйларга сўкичак қилиб, қурт боқишни бошладик. Эрталаб бориб ҳаммамиз этакда барг териб келардик. Тўртинчи уйқудан сўнг учта уйдаги қурт йириклашиб, қалин бўлиб кетди.

- Бунни сийраклаштирмасак пилласи майдалашиб кетади, - дедилар онам.

- Уни қаерга оламиз? - деб сўрадим. Чунки биз болаларни ётиб-туришимизга ҳам жой қолмаганди.

- Айвонга оламиз. Қайтанга баҳовода қурт яхши ривожланади. Фақат қуёш тегмаслиги учун олдини мато билан ўраймиз, - дедилар, - Сен бозорга бориб ул-бул харид қилиб келгин.

Бозордан келсам, аллақачон қуртни сийраклаштириб, айвонга олишибди.

Бироқ сўкичакка эмас, айвоннинг деворига новдани териб қўйишибди. Қуртлар «шовуллаб» барг еб турибди. Онамдан бундай қурт боқиш усулини қизиқиб сўраб, билдим. Тутнинг баргли новдасини ярим метр чамасида кесиб, қурт боқиладиган сўкичакка қўйилади. Қуртлар обдон барг ейишга киришганда «дастабардор» қилиб, новдани олиб, хонани деворига тикланади. Бу усулни қўллашдан олдин хонани яхшилаб тозалаб, девор пастига оқ қоғоз тўшалади.

Бунда қуртни ахлати пастга тушиб, пилласи тоза, йирик-йирик бўларкан. Тожикистонда яшаганимизда онам шу усулда қурт боққан эдилар. Ҳаммаси ўша кунни эртасидан бошланди. Қурт бригадири келиб, айвондаги қуртни кўриб, фигони фалакка чиқди.

- Бу нима қилганларинг, хола? - деди онамга.

Шунда онам босиқлик билан:

- Синалган усул. Мендан пиллани айтган килограммни тортиб оласиз, - дедилар.

- Йўқ, ҳозир сўкичак қилдириб, ўшанга оласиз. Керакли ёғочни етказаман, - деб жаҳл билан чиқиб кетди.

Тушдан сўнг бригадир колхоз раҳбарларидан уч-тўрт кишини бошлаб келди. Улар ҳам айвондаги қуртни кўриб, кетишди. Аммо ортиқча бирор сўз дейишмади. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, «виллис» машинаси эшигимиз олдида тўхтаб, ундан қурт бригадир ва яна икки нотаниш киши тушди. Оббо, яна ким бўлди экан. Ишқилиб тинчлик бўлсинда, деб кўнглимдан ўтказдим.

Қорачадан келган, ўрта бўйли, истараси иссиқ киши ўзини таништирди.

- Мен Пилла завод (ўша йиллари шундай аталарди)нинг директори Сайдулло Ашуровман, бу киши туман партия комитетининг секретари Мўйдинжон Сирожиддинов бўладилар, - деди шеригига юзланиб.

- Бизни қурт боқилаётган хонага бошланг, - деди Сирожиддинов қовоғини уйиб.

Аҳвол билан танишгач, Сайдулло акага «сиз нима дейсиз?» дегандек тикилди. Сайдулло ака ҳам ҳайрон бўлганича елкасини қисди. Сўнг деди: - Энг муҳими қуртнинг ҳолати яхши.

- Сайдулло Ашуров, шахсан ўзингиз бу хонадонни назоратга олинг. Аҳволи ҳақида менга ахборот бериб турасиз, - деб топшириқ берди Мўйдинжон ака.

- Хўп бўлади, - деди ҳозиржавоблик билан Сайдулло ака. Ўша йили туманда биринчилардан бўлиб пилла топширдик. Режани ортиғи билан уддалаганимиз ва сифатли пилла етиштирганимиз учун

Сайдулло ака онамга гилам совға қилди. Дўстим айтмоқчи, бу фидойи инсон билан илк учрашувимиз ана шундай бошланган эди. Айтмоқчи, ўша йилдан сўнг тумандаги пиллакорларнинг кўпчилиги шу усулда қурт боқишди.

-3-

Ҳар йили ҳам баҳор деҳқонлар учун серташвиш келади. Ғўзани яганалаш, экинни чопиқ қилиш, ипак қуртини боқиш зарур. Далада ишчи кучи етишмайди. Айтинг-айтинг об-ҳаво яхши келсин. Шамол, дўл ва селдан Яратганнинг ўзи асрасин. Бўлса борми, ошиқча ташвиш. 1986 йили Ҳисорак қишлоқ кенгаши раиси эдим. Унинг таркибига «Москва» ва «Ўзбекистон» колхозлари киради. Бир томони Тўрақўрғон, бир томони Поп туманлари билан чегарадош. «Ўзбекистон» колхози Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашаган. Биномиз Самсоқтепа қишлоғида эди. Аксига олиб тутлар эрта баҳорда «парвона» касалига чалиниб, барги тўкилиб кетди. Айна қуртлар даҳага кирганда (яъни пилла ўрайдиган пайт) барг муаммоси туғилди.

Эрталаб 27-мактаб директори Мирзораҳим Исроилов билан учрашдим. Дарсдан сўнг юқори синф ўқувчилари тутзорга чиқиб, танга барг термоқчи эканлигини айтди. Мен ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватладим.

Идорада мени «Москва» колхозининг партия ташкилоти котиби Алишер Ҳакимов қурт бригадир-

лари Фозилжон Дадабоев, Абдуллахон Эшоновлар билан кутиб турган экан.

- Бундай вазиятда бошқа тумандан ёрдам сўрасак бўлмасмикан? - деди Алишер ташвишланиб.

- Суриштирдим, қўшни туманларда ҳам аҳвол бизникига ўхшаган. Косонсой тумани бироз биздан кечкироқ. - Ҳозирча бор имкониятдан фойдаланиш зарурлигини уқтирдим. Сўнг 27-мактаб директори билан учрашумиз ҳақида сўзлаб бердим.

- Тўғри фикр, ҳарна ёрдам бўлади. Зарур хонадонларга тарқатамиз. 25-ўрта мактаб ўқувчиларидан ҳам илтимос қиламиз, - деди Алишер.

- Мен пахта пунктига бориб Сайдулло Ашуров билан гаплашаман. У киши бир неча йил туманда пиллачиликни бошқарган. Тажрибали мутахассис, албатта, ёрдами тегади, - дедим уларни тинчлантириб.

Сайдулло ака Пилла заводнинг директорлигидан сўнг Чуст пахта заводининг Саримсоқтепа қишлоғидаги (собик аэропорт) Пахта пунктига мудир қилиб тайинланганди.

«Москва» ва «Ўзбекистон» колхозларининг пахтаси шу ерда қабул қилинарди. Пунктга тушиб бордим. Унинг дарвозаси катта очиқ, қоровул Мусурмонкул ерга тўкилган дарахт баргларини тозалаш билан овора эди. Ундан Сайдулло акани сўрадим. «Хўжайин шу ердalar» - деб жавоб берди.

Сайдулло акани қидириб, пунктнинг ичкарасига кирдим. Очиқ ердаги экинларга назарим тушди.

Икки пуштада бодринг гуллаб, найчалаб ётибди. Картошка туғиб, гулини ташлабди. Ёнидаги эгатда сабзи, пиёз ва ош кўкатлар яшнаб турибди.

Ҳандалак тўрлабди. 30 сотих ердаги буғдойни бошоғи етилиб, сарғайишни бошлабди. Ҳамма нарсаси тартибли, жой-жойида эди. Бу деҳқончилик маданиятини яхши биладиган инсонни иши эди. Шу пайт яқин ўртадан товукларни «қаҳ-қаҳлаши» қулоғимга чалинди. Ўнг томондаги катакда товуклар бир-бири билан чўқишарди. Ёнидаги чайлада ўнтакча қўй, ўрик соясидаги ола сигир кўзини юмганича кавшак қайтариш билан овора, ёнидаги боласи мудрайди. Қозиққа боғланган қорақашқа от бирдек айланиб йўл четидаги ўтни чимдийди. «Эй отангга балли» - деб баралла айтиб юборганимни ўзим ҳам сезмасдан қолдим. Буларни ҳаммаси Сайдулло акани меҳнатлари самараси эди.

Ариқ ёқалаб, елкасида кетмон билан деҳқонбува ҳам кўринди. Кетмонини юзи қуёшда ялтиллайди.

«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар», деб шунга айтишадида. - «Келинг оқсоқол», деб Сайдулло ака мен билан самимий сўрашди.

- Кун аро сув ичиб турса, бодринг тез етилади. Даҳанага бориб, сув очиб келаяпман, - деди юзидаги маржон-маржон терни белбоғига артиб. Сўнг кетмонини бир четга қўйиб, пушта оралаб етилган ҳандалакни узиб қўлимга тутқазди. Гуп этиб ҳиди димоғимга урилди. «Ҳиди келса, маст бўлайлик, ҳандалакнинг бўйига» деб бежиз қўшиқ айтишма-

- Қаранг тут шундай турибди. Демак қуртни кўмиб бўлишган, - дедим.

- Бай-бай, увол қилишибди. Пастки шохлари олинмаган. Тепа қисмидаги новда ҳам узун кесилган. Келаси йил бу яхши барг бермайди, - деди ҳамроҳим мутахассис сифатида.

- Айрим қишлоқларда тутзорлар барпо қилгандингиз. Шу ташаббус кейинги йилларда ўз самарасини берди, - дедим.

- Чунки мавжуд тутлар қариб, барг бермай қолди. Экилган ниҳолга ҳеч ким эътибор қаратмади. Шунинг учун алоҳида ерга тутзорлар ташкил этдик, - деди Сайдулло ака.

- Тутзорларни ёнида қуртхона қурилса бўлмайdimи? Биринчидан, керакли барг кесилади. Уни сўли-тиб, таши-таши қилинмайди. Иккинчидан, бир хил ҳароратда боқилади, мутахассис назоратида бўлади, - дедим.

- Фикрингизга тўла қўшиламан. Аслида хонадонларда боқилаётган қуртлар талабга жавоб бермайди. Бино кенг, ёруғ, ҳавоси тоза бўлса қуртлар касалликка чалинмайди. Сифатли пилла беради, - деди Сайдулло ака.

- Шунда пиллакорларга 10 грамм, деб кўп уруғ бериб қийнамасдик, - дедим.

- Бужониворга касаллик келса - ҳаммаси тенгдан чалинади. Шунинг учун хонадонлар сони кўпайтирилади. Яширмайман ортиқча уруғ тарқатамиз. Тўхтанг ўртоқ Иномхонов, рўзномада мақола ва ҳикоя-

ларингиз пешма-пеш чиқиб турибди, мухбирлигингизга бориб, пиллакорларнинг сир-асрорини ногара қилиб чалиб юборманг, - деди Сайдулло ака.

- Газетага ёзиладиган воқеалар ҳам бор, - дедим.

- Эй, қани эшитайликчи, - деди Сайдулло ака.

- Бир ҳафта бўлди. Эрталаб ишхонада турсам, тумандан бир гуруҳ қуртни текширувчилар бориб қолишди. Шулардан бири Архив бошлиғи Когон Леонид Довидовични Ҳисорак қишлоғига олиб бордим. Биргаликда қурт боқилаётган хонадонларга кирдик. Навбат Шарофат опа хонадонига келганда, Леонид Довидовични ичкарига киритмади. «Фақат бир киши, сиз кириг», - деди менга. Сабабини билсам, қурт иккинчи уйқудалиги боис, уни безовта қилмаслик керак экан.

Леонид Довидовичга ҳолатни тушунтирдим. Шунда у ярим ўзбек, ярим рус тилида: бу қандай гап. Роса барг ейиш керак бўлганида уни ухлатади. Давай уйғотсин, туманни пилла режасини бажаришимизга тўсқинлик қилмасин. Ҳозир ҳар-бир дақиқа ганимат, - деди.

Мен Леонид Довидовичга қарадим. Олдинига ҳазил қияпти, деб ўйлаган эдим, йўқ жиддийга ўхшади.

- Оббо, Когон-э, қотирибди-ку, - деди Сайдулло ака бор овози билан кулиб. Кейин қўшиб қўйди: ўзи ҳам латифага уста, тўқиб ташлайди-да.

- Кейинчи?

Сўнг акам билан бўлган қизиқ ҳангомани сўзлаб бердим.

- Тождидинхон биланми? Қани эшитайликчи.

- Акам, Чустда пахта заводининг биринчи аёл директори Шарофат Бойматова ҳақида мақола ёзиш мақсадида Архивга борибдилар. Когон Леонид Довидовичдан у ҳақидаги ҳужжатларни сўраб, уни уйга олиб кетиб, кўриб чиқаман, дебдилар. «Тоғиб бераман, лекин шу ерда фойдаланасиз, уни қўлингизга бериб бўлмайди», деб, Леонид Довидович унамайди. Уни кўзойнаги йўқлигини кўрган акам «унда тилхат бериб, бир ҳафта ичида олиб келиб берсамчи», дейдилар.

- Бу бошқа гап, дарровда ёзинг, - дейди Леонид Довидович ручка билан қоғоз узатиб. Акам зудлик билан тилхатни ёзиб берадилар. «Бу бошқа гап, аммо хафа бўлманг дўстим, қоидамиз шунақа» деб ёзилган тилхатни сейфидаги папкага солиб қўйибди. Орадан олти ойлар ўтгач, бир куни акамни учратиб: «Қани Бойматова ҳақидаги ҳужжат. Вақт ўтиб кетди. Олиб келмадингиз», дейди Леонид Довидович.

Шунда акам ҳам елкасини қисиб: «Нима деяпсиз, мен ҳеч қандай ҳужжат олган эмасман», дебдилар.

- Тилхатингизни сейфимда сақлаяпман, юринг ўқиб бераман», дейди Леонид Довидович идорасига бошлаб.

Унда: «Мен Архивдан, шахсан Леонид Довидовичдан ҳеч қандай ҳужжат олмаганман» деб имзо қўйилган эди.

- Войдод, ўлиб қоламан. Оббо Тожиддинхон тушмагур-ей, тоза боплаган экан-да, - деб Сайдулло ака ўзини кулгидан тўхтатолмади. Бир оз ўтгач, қўшиб қўйди: - Аммо акангиз билан Леонид Довидович қадрдон эди, қаранг қандай беғараз дўстона ҳазил. Тожиддинхон билан мен ҳам дўстман, бирга бир неча йил ҳамсуҳбат бўлганмиз. Улар архивда йиғилиб, шахмат ўйнашгани-ўйнашган. Яна Мўминжон Маърупов деганлари ҳам бор. Ҳаммаси шахмат жинниси.

- Тўғри, яна бир акам 13 ҳунар техника билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Исмлари Эргашхон. Яхшигина шахматчи. Шунча ҳаракат қилса ҳам Леонид Довидович акамни бирор марта ютолмас, ютқизгани-ютқизган эди. Бир куни акам шошилиб, қаергадир бормоқчи бўлиб турсалар, Леонид Довидович келиб шахмат ўйнаймиз деб туриб олибди. Шу ўйинни эртага қолдирайлик, деб шунча илтимос қилсалар ҳам унамабди. Шунда акам кел бирор партия ўйнасам-ўйнабман-да, деб атайлаб ютқазиб қўядилар.

Бир маҳал кечаси соат 12ларга яқин кимдир дарвозамни таққиллатади. Энди кўзим илинган экан. Чикдим, Леонид Довидович жигули машинасида турибди.

- Тезда Эргашхон акангни чақириб чиқ. Тилхат ёзсин, архивда сақлайман. Келгуси авлод билсин. Иномхоновларни Когон шахматдан ютганини, - деди. Яқинроқ келдим. Аввалига, ичган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, маст эмас. Кейин

билсам эрталаб Наманганда архивчиларни йиғилишида Леонид Довидович нутқ сўзлаши лозим бўлиб, Тожидинхон акамдан нутқини кўриб беришини илтимос қилган экан.

- Леонид Довидович тожик, ўзбек тилида ҳам яхши сўзлашади. Бизнинг урф-одатларимизни ҳам билади. Ўта ҳазилкаш, беғубор инсон, - деди Сайдулло ака кулгидан ёшланган кўзларини даструмолига артиб.



Йўлимизни давом эттириб, Ашт қишлоғига тушиб бордик. Сойнинг қирғоғидаги торгина йўл бизни борган сари пастликка қараб етаклаб борарди. Узоқдан сон-саноқсиз дарахтлар орасидан уйлар зўрға кўринарди.

Йўл бўйида ва сой қирғоғида катта- кичик тошлар қалашиб ётарди. Иморатлар ҳам тошдан кўтарилган. Ҳар қадамда учраётган темирчилар дўконининг пештахтасига отнинг тақаси урилган.

- Аштликлар қўли гул уста, кетмон, белкурак (лапата) ўроқ, болта каби асбобларнинг пири шулар, - дейди Сайдулло ака.

- Машҳур ёзувчимиз Абдулло Қаҳҳор ҳам шу қишлоқда туғилган, - деб эшитганман.

- Ундай бўлса ҳамшаҳар эканмиз. Тарихга назар солсангиз, Ашт Кўқон хонлиги таркибида бўлган, - деди Сайдулло ака.

- Тўғри, 1873-76 йиллардаги кўзғолон бостирилгач, рус подшоси Александр II Фармонига асосан

1876 йил 19 феввалида Қўқон хонлиги бекор қилинди. Фарғона вилояти бўлиб, уездлар ва бўлис (волость)лар ташкил этилган. Шунда Чуст бўлиси, Олмос бўлиси, Ашт бўлиси ва бошқа бўлисларга бўлинган. Ашт 1943 йилга келиб, Тожикистон республикаси таркибига киритилган, - дедим.

- Ҳар сафар сиздан қишлоғингизни номланишини сўрамоқчи бўламан-у, яна ёдимдан қўтарилади. Ҳисоракми ёки Саракми?

- Сарак ҳам деб айтишади. Аслида Ҳисорак, Ҳисор сўзи шаҳар ташқарисидаги аҳоли яшайдиган қўрғон, маскан маъносида келади. Бу қишлоқ XVI аср охири XVII аср бошларида вужудга келган.

Кўприкдан ўтиб, тўхтадик. Сой тўлиб-тошиб оқарди. Дарров оппоқ садафдек товланиб турган марварид тутдан бир ҳовуч териб келдим. Муздек сувда чайиб, маза қилиб едик.

- Ёдимда, ёш бола эдик. Уруш тутагач, биринкетин йигитлар ғалаба билан уйга қайтишди. Ўшанда маҳалламизда тўй бўлиб кетганди.

Дастурхонга нон танқислиги учун тутнинг майизи қўйиларди. Қорнимиз нонга тўймасди. Бир зумда дастурхондаги нарсани бўшатар эдик. Ўша йиллари айрим оилаларни очликдан тут сақлаб қолган. Унинг хосияти кўп, - деди хаёлга чўмиб Сайдулло ака.

Сойнинг қирғоғида ўтлаётган қўйни арқонидан бир йигитча тортиб, етакламоқчи бўларди, қўй эса қайсарлиги тутиб, оёғини тираб турарди. Шу пайт кўзичоқ дикир-дикир ўйнаб, йўлга чиқди.

- Ҳа нодон бола-я, қўзичоғини кўтариб олса-ку, онасининг ўзи унга эргашади, - деди унинг ҳаракатларини кузатиб турган ҳамроҳим.

- Манзилга ҳам етиб қолдик-ми? - дедим.

- Ҳа, бироқ қайси дарвоза эканлигини билолмай турибман. - «Ҳай бачам Имомназар раиса хонаш кадомаш»? деб қичқирди болакайга Сайдулло ака.

- Рўпарангиздаги ҳовли. Бобом уйдалар. Ҳозир кўйни салқинга олай, ўзим бошлаб бораман амаки, - деди соф ўзбекча талаффуз билан.

- Ўзбеклигимизни қандай билди экан, - деди Сайдулло ака ҳайрон бўлганича.

- Чуст дўппидан-да, - дедим бошига ишора қилиб. Танишиб ҳам олдик, унинг исми Давронбек экан. Катта дарвозадан ичкарига кирдик. Узун йўлакнинг икки четидаги оқ, қизил, пушти, сариқ атиргуллар чаман бўлиб очилиб ётарди. Тўғрида, қуёшга қара-тиб иморат қурилган. Сойдаги қулоч етмас ёнғоқ-нинг соясидаги сўрига кўрпача тўшалиб, хонтахта қўйилган.

- Калондада, ҳў калондада меҳмон омад, - деб қичқирди набираси Давронбек.

- Ҳозир писарам, ҳозир, - деган овоз боғ томондан эшитилди. Ҳеч қанча ўтмасдан ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган, икки юзи қип-қизил киши кўринди. Унинг кўлидаги косада ғарқ пишган гилос бор эди.

- Эй, чушликлар хушомадитон, Сайдулложон жўра бормисиз? Меҳмон укам хуш кўрдик, деб эски

қадрдондек мен билан ҳам кучоқ очиб саломлашди. Сайдулло акам мени меҳмонга таништирдилар.

- Жуда яхши, қани юринглар салқинда насибадан олиб, бир пиёла чой ичайлик, - деб сўрига бошлади Имомназар ака.

- Жўражонлар, қайси шамол учирди, - деди чойдан ичиб бир косадаги гилосни паққос тушурганимиздан сўнг.

- Баргнинг шамоли, - деди Сайдулло ака кулиб.

- Қайси шамол бўлса ҳам, раво кўраверамиз, - деди раис.

Биз Имомназар акага Чустдаги барг масаласидаги танқислик ҳақида сўзлаб бердик. У киши сўзимизни тинглагач, дарров ишга киришди. Кимгадир сим қоқди. Бироздан сўнг телефон устма-уст жиринглади. Раис ким биландир гапириб, бизга қараб «улов борми?» деб сўради.

- Ҳа бор, айтилган жойга одам ҳам, машина ҳам етиб боради, - дедим.

- Бўлмаса иккинчи бригадага транспортни етказинглар, барг тайёр, юклаб кетаверади. Аммо бир шарт билан бугун кетмайсизлар, азиз меҳмоним бўласизлар. Қўлбола паловхонтўра тайёрлаймиз. Бир отамлашайлик. Келинингиз Хўжандга кетган, синглиси тўй қияпти, - деди Имомназар ака.

- Кетадиган ахмоқ йўқ, ўз кўлим билан ош дамлайман. Ана машинанинг орқасида атайлаб Камарсададаги чойхонадан қора қўчқорнинг гўшт-ёғидан олиб келганман, - деди дўстига Сайдулло ака.

- Оҳ-оҳ, - деди раис. - Асраб юрган 25 йиллик армянский конягим бор. Уни Ялтага борганимда олиб келганман. Мен уни сувга ташлаб қўяй, аччиқ-чучукни ўзим боплайман, - деди раис кафтини-кафтига ишқаб.

Икки дўст қозонга уннади. Мен айтилган манзилга бориб, баргни жўнатиб келдим. Ош ҳам маззали бўлган экан. Орқасидан босиб-босиб кўк чойдан ичиб, тўймасдик. Ростини гап мен Сайдулло аканинг пазандалигидан хабарим йўқ эди.

- Қўлингиз дард кўрмасин, ошни қотирибсиз Сайдулложон дўстим. Ўтган йили самоварда тайёрлаган қотирмангизнинг таъми ҳали-ҳали оғзимда турибди, - деди Имомназар ака.

- Мақтанишмас, тўйини ошини ҳам дамлай оламан, - деди Сайдулло ака.

«Бир йигитга етмиш ҳунаро» - деб бежиз айтишмаганлигига имон келтирдим. Сайдулло акадан кўп нарсани ўрганишимиз лозим экан. Бу инсонга ҳурматим янада ошди.

- Мансурхон, машинадаги барг етиб боргандир. Алишер билан боғланинг, уни тополмасангиз раис муовини Манзурахон Дадабоевага тушунтириб айтинг. Эрталаб вақтли жўнашсин. Салқинда баргни сўлитмасдан етказиш зарур, - деди Сайдулло ака.

Алишер билан телефонда гаплашдим. У жуда хурсанд эди. Қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этарди. Яна бир кун баргдан қўллаб турсак, вазиятдан чиқишларини айтди.

Бир пиёла чой устида гап айланиб, от ҳақида кетди.

- Сайдуллоҳон ўтган йили аштлиқ Ўрозалини тўйига келганингиздан буён энди учрашиб, суҳбатлашиб турибмиз. Ўшанда Кўпкарида икки марта улоқни ўнгаргандингиз. Отингизга гап йўқ, сиз уни «қалдирғоч» деб атардингиз тўғрими жўра?, - деди раис пиёладаги чойдан хўлаб. Сўнг қўшиб қўйди, - ўзиям Конибодом, Хўжанд, Душанбе, Жалолободдан ҳам чавондозлар қатнашганди. Роса торт-торт бўлганди.

- От одамга дўст, ҳамроҳ. яхши от йигит кишига омад олиб келади. Ўша сиз таърифлаган «қалдирғоч» ана шундай хислатларга эга. Ёшлигидан бор меҳримни бериб тарбиялаганман. Ҳозир ҳам кўпкарига шай бўлиб турибди, - деди Сайдулло ака кўзлари ёниб. Уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб, ўтган ёз Бетагалик яйловларига борганимиз ҳақида сўзлаб бердим.

- 5 -

Ўшанда чўпонларни ҳолидан хабар олгани тоққа қараб йўлга чиқдик. Ғовасойдан ўтиб қўшни Қирғизистоннинг Кўксараксой, Бештош, сўнг Араб қишлоғига етиб келгунча қоронғу тушди.

- Кечасида тоғда юриш хавфли, Анорвой аканинг уйида тунаб, азонда йўлга чиқамиз, - деди ҳамроҳларимиздан бири Бозорвой.

- Келишимиздан уларнинг хабари бор. Ўтган куни Анорвой акани ўғли Жўнашвой қишлоққа тушганди. Келишимиз ҳақида айтгандим, - деди Имомали унинг фикрини тасдиқлаб.

Бозорвой бир неча йилдан буён «Москва» колхозда ферма мудир, Имомали ҳам чорва мудир бўлиб ишлайди. Ҳайдовчимиз Акрамжон деярли ҳар ҳафта чорвадорларга озиқ-овқат ташийди. Ҳамроҳларим мендан кўра бу томонларнинг об-ҳавосини яхши билишади. Мен ҳам рози бўлдим.

Анорвой ака тўладан келган сариқ юзли, самимий инсон экан. Бир серкани олиб келиб меҳмонларни ҳурмати деб сўйдирди. Дастурхон ноз-неъматларга тўлди. Анорвой ака қимиз олиб чиқиб, «Ўз қўлим билан тайёрлаганман» - деб ҳаммамизни сийлади. Олдин қовурдоқ, кейин қирғизларнинг севимли таоми - бешбармоқ тортилди. У жуда мазали эди.

-Паловга қарздормиз. Сизларга ўхшаб тайёрлашни билмаймиз. Ошни Камарсаданинг чойхонасида еймиз, - деди Анорвой ака менга юзланиб.

- Бир танишимиз шаҳарга тушибди, - деб латифасини бошлади Бозорвой. Иши битмай кунни кеч қилибди. Қарда тунашини билмабди. Ўйлаб-ўйлаб солдатликда бирга хизмат қилган дўстини уйини қидириб топибди. Уни яхши кутиб олишибди. Бироз ўтгач, ош ҳам тайёр бўлиб, меҳмонни олдига қўйишибди. Дўсти шунча олинг-олинг деса ҳам, меҳмон ошга қўл урмас эмиш. Ахийри дўсти қистайвергач «Ошнику еяверардим, кечасида тунайдиган жойим йўқ» деган экан. Қоидасида - дастурхонга ош тортилди дегани - иззатинг битти, дегани. Бешбармоқ қилдириб, тўғри қилгансиз, - деди Бозорвой кулиб.

Шу билан суҳбатимиз улашиб кетди. Мен маза қилиб уларнинг суҳбатини тингладим. Айниқса, Анорвой акани от ҳақидаги ҳикоясидан таъсирландим.

- Ҳамқишлогимиз Қурвонбойнинг ажойиб оти бор эди, - деб гап бошлади Анорвой ака ёнидаги болишга ёнбошлаб. Чотқолдаги қариндошлари шу отга ишқибоз бўлиб, ҳоли-жонига қўймасдан олиб кетишди. Уни ўрнига той беришди. Қурвонбойни Қувончбек деган ўғли бор эди. Ёшлигидан уни отга меҳри бўлакча эди. Шу тойни отаси ўғлига совға қилди. Қувончбек тойни вақтида суғориб, емини бериб яхшилаб парваришлади. От ҳам эгасини овозини эшитса, турган жойида депсиниб, кишнайдиган бўлди. Қувончбек ўн саккиз ёшида кўпқарида от чопадиган полвон бўлиб етишди. Отини айтмайсизми чопса шамолдек елади. Уни номини «Тарлон» дейишарди. Қувончбек пойгада чопганда мен ҳам «Тарлон»ни кўргандим. Унинг ранги қизғич тусли бўлиб қуёшда ажаб товур товланарди. Юраги бақувват эди. Кўрқмасдан улоққа яқинлашар эди. Эгаси ўлжани ўнгардими, тўдани ёриб олдинга интиларди. Тўйларда Қувончбекни икки-уч бор соврин олган кунлари бўлган. Бироқ, пешонада боридан қутилиб бўлмас экан. Қурвонбойнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Қувончбек қорни оғриб дўхтирга кўринади. Унга қорин оғриқдорисини бериб жўнатишди. Кечка борганда оғриқни зарбидан хушидан

айрилади. Кувончбекни касалхонага етказганлари-
ча йўлда оламдан ўтади. Сабаби оддий, кўричаги
ёрилиб кетган экан. «Тарлон» эса ўша кундан бош-
лаб ҳеч нарса емайди. Нима қилишларини билмас-
дан, отни арқонидан ечиб юборишади. От ҳам шуни
кутиб тургандек бир неча кун қишлоқни айланиб,
тентираб, эгасини қидиради. Тополмагач, ахийри
шамолдек елганича ўзини жарга улоқтириб, ҳалок
бўлади. От ана шундай ақлли, вафоли жонивор деб,
ҳикоясини якунлади Анорвой ака.

Биз анчагача Кувончбек ва «Тарлонни» тақдирига
ачиниб ўзимизга келолмаган эдик. Шунда мен асли
бу отларни насли Фарғонадан яъни ўзимизнинг
Ахсикент отлари наслидан эканлигини сўзлаб бер-
дим. Мелоддан икки минг йил аввал Фарғона аҳо-
лиси нафақат ўзининг ҳунармандчилиги билан бал-
ки чорвачиликда ва деҳқончиликда ҳам тенгсиз
соҳибкор бўлишган экан. Ўша даврда Ўрта Осиёга
сафар қилган Хитой сайёҳи Чжон Чиян Фарғонада
махсус отлар боқилаётганини, қайсики хитойлик-
лар бу отларни «муқаддас тулпор» деб билганликла-
ри ва уларга ҳатто сифинганлари, ўз юртларида ушбу
отлар учун ҳайкаллар ўрнатганлари, мадҳияларида
куйлаганлари ҳақида ёзади. Чжон Чян мелоддан
аввалги 126-йили Фарғонадан ватанига мазкур от-
лар ва беда уруғини олиб борган биринчи киши
саналади. У ўз эсдаликларида «Даваннинг (Фарғо-
нани хитойликлар шундай атаганлар) ҳавоси ғоят
мусаффо, зилол сувлари доимо шарқираб оқиб тура-

ди. Даван тоғ ёнбағриларидаги яйловларда тоғ отлари ирғишлаб юради. Йўқ, уларни тоғ отлари дейиш камлик қилади. Улар чиндан ҳам само отлари бўлиб, териси ҳам ўзгача - қизил, худди қон ранггидадир. Бу отлар чунонан абжир, хипча, оёқлари узун, қўлтиқлари тагида кўз илғамас қанотлари бор. Уларга минган чавандоз ҳар қандай учқур ёвдан ҳам худди шундай қочиб қутула олади» деб таъриф беришганлиги ҳақида сўзлаб бердим.

Сайдулло акани фикрига қўшилиб «От одамга дўст, ҳамроҳ ва омад бўлибгина қолмасдан, у вафодор ҳам экан».

- Бай-бай, уни қаранг, бу жонивор жуда ақлли бўлади, эгасига вафодорлигини қаранг, эссизгина жарроҳлар айтмоқчи, энг енгили ҳам, энг қийини ҳам кўричак касаллиги экан. Кувончбекка вақтида тўғри ташхис қўйишганда, у тирик қолган бўлармиди, - деб астойдил куйинди Сайдулло ака.

Анчагача даврада жимлик сақланди. Ҳамма ҳозиргина эшитган воқеа тўғрисида чуқур ўйга толганди. Шунда мен жимликни бузиб Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» номли қиссасида «Тарлон»га берилган таърифни ҳикоя қилиб бердим.

...Биродарлар, бўз от қандай бўлади? Сўрпдай оппоқ бўлади! Борди-ю, аждодда бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, бу бўз эмас, тарлон от бўлади.
Тарлон-хол-хол от! Тарлон-отлар сараси!

Биродарлар, тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади,
тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг, тарлон ол!

Бизнинг бўз тўққизга тўлди, тўққизда бўлди.
Шунда... шунда бир орзуим, ўн орзу бўлиб болалади.
Бир қувончим, ўн қувонч бўлди!

Биродарлар, бўз отим-тарлон! Мен тарлон отли
бўлдим!

Отнинг сараси менда, қўлинг ўргилсини менда!

- Уни қаранг, бу ёзувчи укам бу отни қўшиқ
қилибди, топган сўзларини қаранг. Етти ухлаб,
тушингга кирмайди, - деди ҳайратланиб Имомназар
ака.

- Кўпқари сўзининг маъносига гоҳида ўйланиб
қоламан. Тарихий манбаларда бу сўз учрамайди, -
деди Сайдулло ақа ўртага савол ташлаб.

- Бизда кўпинча уни «улоқ» томоша бўлади,
дейишади. Бу қадимий элатлардан қолган ўйин.
«Кўпқари» сўзини маъносини билмадим, - деди
Имомназар ака.

Мен севимли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг
«Тоғларга қор тушди» эссесидаги сўзларни эсладим.

- Кўпқари аслида «Кўкбўри» дегани экан.

- Эй тўхтанг, бу сўзга мен ҳам қўшиламан қиш-
лоққа оралаган бўриларни отлиқ йигитлар ўртага
олиб қувганларини гувоҳи бўлганман. Ҳатто улар
тирик бўриларни ҳам оғзини тушовлаб, оёғини

боғлаб, қишлоққа олиб келишган. Шунда одамлар уларга турли нарсалар бериб, сийлашарди, - деди Имомназар ака.

...Аслида «Кўпқари», яъни «Кўкбўри» ўйини шу тарзда ўтган бўлиши ҳам мумкин. Қозоқларда ҳалиям шу ном сақланиб «Кўкпори» дейишади, - деб ёзади Шукур ака ўз эссесига.

- Сизларнинг райкомингиз «тўйда карнай чалмайсан, кураш тушмайсан, кўпқарида чопмайсан» - деб қарор чиқарганлиги ҳақида эшитиб қолдим. Бу қанақаси бўлди. Қарор халқчил бўлиши, инсон манфаати йўлида хизмат қилиши лозим эмасми?, - деди Имомназар ака.

Унинг фикрига мен ҳам қўшилдим. Ўйламай чиқарилган бундай қарорнинг умри қисқа бўлади. Агар халқ ўртасида шундай кураш ва кўпқарилар бўлмаганида, ўзбек йигитлари ичида жаҳон чемпионлари етишиб чиқармиди. Улар, албатта, ана шундай ота-боболаримиздан қолган халқ сайларида курашиб тобланишган. Имомназар аканинг гапидан сўнг Сайдулло акага қарадим. У ҳам менга кўзини қисиб қўйди. Буни, албатта, сабаби бор эди.

- 6 -

Ўтган кузакда ҳамқишлоғим Тўйчивой билан Сайдулло акалар идорага кириб келишди. Саломаликдан сўнг бир-бирига маъноли қарашди.

- Нима гап? Тортинмай айтаверинглар?, - дедим.

- Оқсоқол ёшлигимдан ўғил кўрсам, тўй қилсам

юртга ош бериб, кўпқари чоптирсам, деб ният қилгандим. Рухсат берсангиз тўйни бошласам, - деди Тўйчивой ака қизариб, бўзариб.

- Туман ҳам, колхоз ҳам барча режаларни ортиғи билан уддалади. Тўй-тўйдек бўлгани маъқул. Халқ ҳам кўпқарини соғиниб қолган. Рухсат берсангиз, ўзим тепасида туриб ўтказаман, - деди Сайдулло ака ҳамроҳининг гапига қўшилиб.

- Розилик билдирсам - қарорга ҳурматсизлик қилган бўламан, йўқ дейишга виждоним қийналади, - дедим.

- Тўхтанг, буни йўлини ўйлаб қўйганмиз. Ахир Поп тумани билан ерларимиз туташ. Қўшни Тўда колхозининг раиси билан келишиб ҳам қўйдик. Беш гектарлик бедапоясида ўтказадиган бўлдик, - деди Сайдулло ака, ўтирган ўрнидан туриб кетай деб.

- Ички ишлар бўлимини огоҳлантиришимиз керак. Тўйчилик бирор қор-қол содир бўлишини олдини олишади, - дедим.

- Бошлиқ ҳам улоқчи йигит ўтган куни кўришган эдик. «Улоқ бўлса, эшитиб қолайлик» деганди. Зўроти бор-да, - деди Сайдулло ака.

- Ундай бўлса тўйнинг тайёргарлигини кўраве-ринглар. Яна керакли идоралар билан ўзим гаплашаман, - дедим.

Келганидан буён нима бўларкин, деб дам менга, дам Сайдулло акани оғзига тикилиб ўтирган Тўйчи ака қувонганидан «ҳайрият, ҳайрият-эй, ёр биро-

дарлар олдида уялиб қолмайдиган бўлдим» - деб хурсандчилигини яшира олмади.

Кўпқари яхши ўтди. Қўшни республика ва вилоятларидан ҳам чавандозлар иштирок этишди. Сайдулло ака айтмоқчи халқ ҳам кўпқарини соғиниб қолган экан. Томошага келган одамларнинг сон-саногини йўқ эди. Сайдулло ака бакавуллик қилди. Ички ишлар ходимлари тартибни сақлашди. Шунингдек, шифокорлар ҳам «Тез ёрдам» машинасида ҳозир бўлиб туришди.

Эртаси куни туманда кенгайтирилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Кўпчилик кутган воқеа юз бермади. Чунки тумандаги айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам кўпқарида иштирок этишганди. Фақат йиғилиш сўнггида биринчи раҳбар «Кеча Ҳисоракда улоқ бўлибди, деган ахборотни эшитгандик. Суриштириб билдик. Қўшни Поп туманининг худудида экан» деди.

Шу билан қутилиб қолдик. Бу ҳам бўлса. Сайдулло акани уддабуронлиги туфайли вазиятдан чиқиб кетгандик. Сайдулло ака билан қадрдонлашиб кетдик. Ҳозир Имомназар ака ўша кунларни ёдга солганди.

Очиқ ҳаводаги сўрига ўрин солдик. Ҳамроҳим Сайдулло ака бир зумда уйкуга кетди. Мен эса жойимга чўзилдим, анчагача уйкум келмади. Ёнгинамиздаги сой шоввуллайтиди. Қаердандир сигирни чўзиб-чўзиб маърагани, итнинг аккилаши эшитилди. Сўнг барчасини сувнинг шовқини босиб кетди. Кўзим илинганини сезмасдан қолдим.

билан ўзим овора бўлиб хабардор бўлолмадим, - деди Алишер хижолат торгандек.

- Унда шанба куни Тошкентга бориб Бобожон акани кўриб келмаймизми? Режани бажарилганини эшитса кўнгли кўтарилармиди, - дедим уларга.

- Савоб иш бўлади. Мени хизмат машинамда борамиз. Сиз нима дейсиз устоз?, - деди Илҳомжон Сайдулло акага юзланиб.

- Келишдик, шанба куни саҳарда йўлга чиқамиз, - деди у. Илҳомжонни Сайдулло акани устоз дейишига сабаб у отга ниҳоятда ишқибоз эди. От ҳақида устозидан сўрагани-сўраган. Гоҳида устозининг отига миниб, улоқда чопиб ҳам турарди. Биз унга кулишиб «Сиз одам дўхтирими ёки ҳайвон дўхтирими?» деб жиғига тегардик. У ҳам беозоргина кулиб кўярди. Сўраб-суриштириб касалхонани топиб бордик. Алишер батафсил деҳқончиликдаги ишлар ҳақида гапириб берди. Янгиликларни Бобожон ака эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлди. Анча чеҳраси ёришди. Бирор ҳафта ичида жавоб бўлишини айтди. Кечки пайт Чустга кириб келдик.

- Эртага якшанба экан, пилла режасини бажарилганлиги муносабати билан сизларни меҳмонга таклиф этаман. Тушликни Пахта пунктида қиламиз, - деди Сайдулло ака тантанавор оҳангда.

- Таомномада нималар бор, - деди Алишер.

- Табака, - деди у.

- Алишер эса жим турибди. Нега зиёфатни сиз беряпсиз, - дедим Сайдулло акага.

- Шундай қилмасам, Алишер пахтани бажарса ҳам индамай ўтираверади, - деди Сайдулло ака ҳоҳолаб.

Эрталаб Алишер билан «Обироҳат» массивидаги бригадаларни айланиб ишни бориши билан танишдик. Ғўзалар шоналаб, гуллаш арафасига келибди. Обироҳатнинг ерлари тошлоқ бўлгани учун пахта ҳам, қовун-тарвузлар ҳам эрта пишади. Баъзи бир ғўза майдонларига шира туша бошлабди. Алишернинг асли касби аграном бўлганлиги учун, бригадир Набижон ака Ризаевга керакли тавсияларни берди.

Ундан ўтиб Мамат Сами бошчилик қилаётган бригадага келдик. Тракторнинг ёнилғиси тугаб ишни тўхтатибди. Зудлик билан хизмат машинасидаги рация орқали таъминотчи билан уланди. Тушга яқин ортга қайтдик.

- Сайдулло ака билан Илҳомжон кутиб қолишмасин, - деди Алишер.

- Айтинг, айтинг, табака куйиб кетмасин, - дедим ҳазил оҳангида. Пахта пунктига тушиб бордик. Қоровул Мусурмонқулдан устоз ва шогирдни сўрадик.

- Улар келишмади, - деди.

- Ростини айт, - деди Алишер.

- Ана кўринглар, - деди у хафа бўлгандек.

- Ундай бўлса, иккита семиз хўрозингдан олиб чиқ. Хўжайинни хабари бор, - дедим шумлигим тутиб.

- Биз кичкина одам. Бир парча қоғоз бўлса, битта эмас, ўнта товукни ҳам бериб юборавераман, - деди у.

- Ошпаз келиб олиб кетади. Аммо зўридан ушлаб тур, - деди Алишер.

- Бу бошқа гап, - деди у.

Идорага кириб бир парча қоғозга «Мусурмонкул иккита хўроз бериб юбор» - деб Сайдулло Ашуровнинг номидан хат ёзиб, имзо чекдим. Алишер ошпазни чақириб, қўлига тутқазди. - Ҳайдовчи билан машинада тезда бориб келинглар, - деди у. Идорани ошхонасига кириб, бир пиёла чой ичиб улгурмасимиздан етказиб келишди.

Биз таом пишгунча яна дала айлангани жўнадик. Орадан икки соатлар чамаси ўтгач, қайтиб келдик. Овқат ҳам тайёр бўлибди. Шу пайт Сайдулло ака «ким бор» деб бақириб келиб қолди. «Оббо, бир зумда дарагини эшитибди, шекилли» дедик.

- Ҳа, тинчликми? Қаердан келяпсиз?, - дедим ҳеч нарсадан беҳабардек.

- Илҳомжонни табриклашларинг мумкин, зўр от олиб бердим, - деди хусандчилигини яширолмай.

- Айтмоқчи, бугун якшанбада устоз-шогирд бозорга чиқибсизларда, - деди Алишер.

- Тўғри, бозордаги отлар ёқмади. Ариқбўйи қишлоғида сотиладиган от борлигини эшитиб, топиб бордик. Бизга маъқул келди. Ҳозир Илҳомжон отда келиб қолади, - деди.

- Бу янгиликни ювмасак бўлмайди, - дедим.

- Машинада янги узилган помидор, бодрингдан тортиб, ҳамма нарса бор, ҳатто «шнапс» ҳам топилади, - деди Сайдулло ака кулиб.

- Жуда яхши, овқат ҳам тайёр, - деди Алишер. Етаклашиб ташқарига чиқдик. Илҳомжон отни йўрғалатиб келиб қолди. От Сайдулло ака таърифлаганича бор экан. Ранги оқ, ўзи бақувват эди.

- Улоқ чопадиган, - деди. Илҳомжон севинчини яширолмай. Биз уни табрикладик. Ошпаз ҳам табакани қотирибди. Сайдулло акага «энди бир дастурхонга фотиҳа қилинг, аммо ҳаммасига рози бўлинг» дедим.

- Минг марта розиман, - деб, дуо қилдилар. Устоз ва шогирдни кузатиб, Алишер билан кунлик қилинган ишларни таҳлил қилиб ўтирсак, Сайдулло ака қайтиб келди. - Ҳа алдоқчи қароқчилар, сопини ҳам ўзимдан чиқарибсизлар, деб қўлидаги мен ёзиб берган қоғозни кўрсатди, ёлғон пўписа билан.

- Кеча бизни меҳмонга таклиф қилиб, қуённи расмини чизган ким? - деб сўрадим.

- Тўхтанг, биз алдоқчими, сизми? - деди Алишер.

- Илҳомжонга от олиб бераман, деб сизларга берган ваъдам ҳам ёдимдан чиқибди. Ҳа, бу каллалар адо бўлган. Қотирибсизлар, бу ишингизга беш, яна битта маишатга қарздор бўлиб, кечиришларингни сўрайман деб, икки қўлини баланд кўтарди.

Бу ҳам бўлса Сайдулло акани очик кўнгиллигидан, тантилигидан. Ҳар бир нарсадан яхшилик, эзгулик қидирадиган инсон эканлигидан бир нишона эди. Сайдулло акадан кўп яхши хислатларни ўргандим. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар

чиройлик» мақолини кўп бора такрорларди. Ҳаётда қандай ютуқларни қўлга киритган бўлса, фақат ҳалол меҳнати эвазига эришган эди.

Гоҳида ишимиз кўпайиб бирор ҳафта кўришолмасак, албатта Сайдулло ака қидириб келиб, бизни кўриб кетарди. Энди ўйласам аслида биз ёшлар у кишини ҳолидан тез-тез хабар олишимиз лозим экан. Сайдулло ака билан умрини охиригача бир-биримизни йўқлаб туриш насиб этди.

1994 йили Сайдулло ака Боғишамол мавзесидаги чорраҳанинг ўнг томонидан 2 гектар ерни олиб, боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этди. (Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Ҳеч ёдимдан чиқмайди бир куни идорада ишлаб ўтирсам (унда туман газетасида муҳаррир эдим) Сайдулло ака қидириб келиб қолдилар. «Юр янги боғимни бир кўрсатиб келай», - деди. Бордим, боғни айланиб, янги ўтқазилган ниҳолларни, сой бўйидаги теракларни бир текисда ўсаётганини кўриб, қувондим. Сайдулло ака билан боғни пастидаги Бувономазор тепалиги томон суҳбатлашиб бордик.

- Тўхтанг ука, мана шу харобалар остида қанчадан-қанча инсонларнинг жасади ётганикин. Қуръон тиловат қилайлик, - деб дуога қўл очдилар.

- Тадқиқотчиларни аниқлашларича, бу жойда қадимги Чуст аҳолиси ўртасида ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик авж олган экан, - дедим.

- Тўғри шу атрофда янги уй қурганларни ҳовли-сидан дон сақлаш учун хумлар, кулоллар томонидан

ишланган ажойиб кўзалар идиш-товоқлар топилган, - деди фикримга қўшилиб Сайдулло ака.

- Бу топилмаларни аниқлаган олимлар фикрича, Чуст милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири ва биринчи минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Ўша даврда ҳам бу ерда яшаган аҳоли деворлар билан ўралган мустаҳкам қишлоқда, пахса ёки хом гиштлардан қилинган уйларда яшашган. Фанга «Чуст маданияти» номи билан киритилган экан, - дедим.

Биз Бувонамозор харобалари четидаги илон изи йўлакчадан булоқ бўйига тушиб бордик. Улкан чинор ва азим тераклар Бибиона булоғини салқин қилиб турарди. Атрофга сув сепилган булоқдан оқиб чиқаётган муздек зилол сув жуда ҳам тотли эди. Ундан ичиб, қўл-бетимизни ювдик. Сўнг қуюқ салқин остидаги сўрига ўтириб, суҳбатимизни давом эттирдик.

- «Биби» сўзи ҳиндча бўлиб - «муқаддас аёл» маъносини билдиаркан, - дедим.

- Бу зоти олияларини Қосимшайхнинг сингиллари дейишади. Шуростми?

- Кексаларнинг ривоятига кўра, шундай. Қосимшайх Баймоқ қишлоғида яшаб ўтганлар. У жойда ҳам худди шундай булоқ суви мавжуд - дедим.

- Айтишларича, бу булоқ сувида қандайдир мўъжиза бор. У гоҳида қайнаб тошади, - деди Сайдулло ака.

- Бибиона ёмон сўзларни кўтаролмас эканлар,
- дедим.

- Бу ҳақда турли ривоятлар юради. Ҳатто бир сафар (бундан бир неча йиллар илгари) тумандаги колхоз ва савхозларнинг раҳбарлари ҳамда фаолларнинг йиғилиши шу жойда бўлади. Биринчи раҳбар ишда камчиликка йўл қўйганларни оғзига келган нопок сўзлар билан ҳақорат қилади. Шунда булоқ тўлиб-тошиб, ҳовузга сиғмай кетган экан, деб эшитгандим, - деди Сайдулло ака.

- Кўп азиз жойлар ҳақида одамлар орасида ривоят юради. Масалан, Ғова қишлоғидаги Аҳмадбоб мазористонига ҳам боғлиқ ривоят бор. Мазорнинг ўрни бадавлат қирғиз кампирнинг ери бўлган экан. Аҳмадбоб исмли авлиё йўлдан туясини етаклаб ўтаркан, кампирга: «жуда чанқадим, битта қовун сўйиб беринг», деб мурожаат қилади. Кампир эса қовунларни энди гуллай бошлаганини айтади. Бироқ авлиё кетгач, пайкал оралаб қовунларни пишганини кўради. Ҳайратга тушган кампир авлиёнинг ортидан югуради, тополмай қайтиб келгач, қараса авлиё бир жойга ҳасса санчиб, сув чиқарибди, шу сувда таҳорат қилиб, намоз ўқишга ҳозирланмоқда экан. Кампир унинг оёғига йиқилиб, тавоф қилади, ўз ерларини шу зотга инъом этади. Ўзи учун аввалги мулкидан озгина сўраб олиб, ўша ерда яшай бошлайди. Айтишларича, Аҳмадбоб авлиёнинг ўзи ҳам, ўша кампир ҳам шу қабристонга дафн қилинган экан, - дедим.

Шу пайт чойхоначи бир чойнакда чой олиб келиб қўйди. Сайдулло ака билан мириқиб кўк чойдан ичиб, чанқоқни босдик. Кечки салқингача суҳбатлашиб ўтирдик. Хайрлашаётганимизда шундай дедилар.

«Муроджон ўғлим ҳали ёш. Биламан, ака-укадек бир-бирларингга меҳрларинг бор. Илтимос мендан кейин ҳам шу риштани узманглар».

Мана орадан йиллар ўтган бўлса-да Сайдулло ака айтмоқчи Муроджон укам билан қадрдонмиз. Тез-тез учрашиб отаси ҳақидаги хотираларни ёдга олиб турамиз.

- 8 -

Раис Бобожон ака Ҳусайинов соғайиб, иш бошлади. Сўнг йилни якунлаб нафақага чиқиб кетди. 1993 йили ўзи туғилиб ўсган Олмос қишлоғида 66 ёшида вафот этди.

Алишер Ҳакимов бир неча йил қишлоқ хўжалиги бошқармасида ишлади. Сўнг туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотига раҳбарлик қилди. 2009 йил 55 ёшида қазо қилди.

Илҳомжон Бойматов қишлоқ врачлик пунктидан кейин туман соғлиқни сақлаш бўлимида, сўнгра шаҳар касалхонасида бош врач лавозимида фаолият юритди. 2013 йил 53 ёшида вафот этди.

Яхшилар ёди ҳеч қачон учмайди. Уларнинг қилган эзгу ишлари, яхшиликлари одамлар қалбида доимо яшайди.

Сайдулло ака Ашуров, 1927 йили Чуст шаҳрининг Дўзанда маҳалласида, аттор оиласида туғилди. Унинг ёшлиги айна уруш йилларига тўғри келди. Бошланғич таълимни собиқ Ленин номидаги мактабда олгач, Калинин номи ўрта мактабда ўқиди. 1948 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини пиллачилик факультетига ўқишга кириб, 1953 йили муваффақиятли битирди. Институтнинг йўлланмаси билан Тожикистон Республикасининг Оржоникизобод туманига ишга юборилди. Бир йил ўтиб, Когонович туман пиллахонасига директор этиб тайинланди. 1957 йили ўзи туғилиб ўсган Чустга келиб, пиллахонада бош агроном бўлиб иш бошлади. 1963-1981 йиллари Чуст Бош пиллахонаси директори лавозимида фаолият юритди.

Шу йилларда Чустда пиллачиликни ривожлантиришда, ипак қурти боқишнинг янги-янги усуллари жорий этишда бор билимини, тажрибасини ишга солди. Унинг ўз касбига бўлган жонкуярлиги туфайли ҳар бир колхозда 15-20 гектарлаб тутзорлар барпо этилди.

Кўп йиллик раҳбарлик, ўз вақтида даволанмаслик оқибатлари Сайдулло акани соғлиғига жиддий путур етказди. Соғайгач 1982 йилда Чуст пахта заводи-нинг Шуркент пахта пунктида, сўнгра «Москва» пахта пункти ташкилланиб Сайдулло ака мудир этиб тайинланди.

Сайдулло ака Охунжон пичоқчининг қизи Тўхта-хон опа билан турмуш қурди. 4 нафар ўғил, 3 нафар қизни тарбиялаб вояга етказишди. Оиланинг бош фарзанди Баҳодиржон муҳандис, Муроджон иқтисодчи, Мавжудахон ва Мухторжонлар педагог, Мақсуджон иқтисодчи, Машҳура ҳамшира, Манзура ўқитувчи. Бир сўз билан айтганда Сайдулло аканинг фарзандлари ота-оналари сингари элимиз, юртимизга сидқидилдан меҳнат қилаётган ёшларимиздан.

ЖУДОЛИК

1985 йили Сайдулло ака учун огир йил келди. Умр йўлдоши Тўхтаҳон опа 53 ёшида дунёдан кўз юмди. Етти нафар гулдек фарзандларни улғайтириб, уларни роҳатини кўролмай кетди.

Доимо ишни ташвишида бўлиб, оиласидан кўнгли тўқ бўлган Сайдулло акани бу жудолик қайғуга солди. Болалари ҳали ёш, она меҳрига зор, уларнинг эртанги тақдири қандай кечаркин?, - деган савол уни қийнади.

Ёш кетган аёлимнинг кўнглини олишга, болаларимизни ҳамда рўзғор ташвишларидан қийналганида унга ҳамдард бўлолдимми - йўқми? - деб озор чеккан кунлари кўп бўлди. Начора, ҳаммамиз ҳам ожиз бандамиз.

Яқинларимиз борлигида уларга эътибор бермаймиз, уларни йўқотгач, бир умр қидирамиз. Сайдулло ака ҳам аёлини йўқотгач, ана шундай изтиробларга тўлиб яшади.

«Худога шукр, болаларимни ҳаммаси ақлли-хушли, ҳали жой-жойини топиб кетади» - деган тасалли кўнглини ёритиб турарди. Шундай бўлди ҳам. Яхши тарбия топган фарзандлар ҳаётда ўз ўринларини топиб яшамоқдалар.

ДАДИЛ ҚАДАМ

Меҳнатга ўрганган одам нафақага чиққач ҳам тиниб-тинчимайди. Сайдулло ака ҳам осмонга қараб «олма пиш, оғзимга туш» деб ётадиганлар тоифасидан эмас. У ўз мақсади йўлида доим изланиб, янгиликларга интилиб яшади.

Ўзбек халқи бутунини эмас, эртасини ўйлайди. Сайдулло акани бир неча йил раҳбар бўлиб ишлаган даври ўтибди-ю, кетибди. «Келгуси авлодимга нима қолдирдим», деган сўзлардан кўнглдан кечираркан қатъий қарорга келди.

1994 йили боғдорчилик йўналишида икки гектар ер олиб, «Сайдулло Ашуров» фермер хўжалигини ташкил қилди. Тошлоқ ерда ниҳол экиб, боғ яратди. Қилинган меҳнат самарасини берди. Ҳадемай экилган ниҳоллар бўй бериб, ҳосилга кирди. «Энди ерни кенгайтириб, пахта ва буғдой эксам ҳам қурбим етади» - деб Сайдулло ака қўшимча ер олиш учун ариза берди. Туман ҳокимлиги аризани кўриб чиқиб, маъқул деб топди. Боғнинг чап томонидаги «Сабзозор» жамоа хўжалигига қарашли етти гектарлик ер 2003 йил «Сайдулло Ашуров» фермер хўжалигига берилди.



Сайдулло ака супачада ўтириб, қуёш нурида олтиндек товланаётган буғдойзарга тикилиб қолди. Ёз бўлиб, буғдой пишиб ўримга келибди. Ғўзанинг

олди гуллай бошлабди. Умр ҳам ўтавераркан, ёш ҳам. Ҳа демай 75 ёшга қадам қўяман. Фермер хўжалигини кимга ишониб топширсам экан? У анчагача ўйланиб, бир қарорга келолмади. Фарзандлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Баҳодиржон қурувчи, иши ўзига етарли. Мақсуджон ва Мадаминжонлар ҳали ёш. Муроджон-чи? Бир неча йилдан буён туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятини бошқариб келмоқда. Туманда бўладиган ҳар қандай тадбирларда иштирок этаяпти. Пастбаландни яхши билади. Бироқ, у кимсан катта бир савдо ташкилотининг раҳбари. Дегани-деган, айтгани-айтган, ҳурмати зиёда, фермер хўжаликни бошқаришга рози бўлармикин?

Аммо, унда ерга меҳр борми? Инсонда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин ерга муҳаббати бўлмаса, деҳқончилик қилолмайди.

Шашт билан ўрнидан турди. Муроджонни қидириб, идорасига борди.

- Юр ўғлим, маслаҳатли иш бор, - деди ўғлига. Муроджон ҳам ҳайрон бўлганича, отасининг орқасидан эргашди. Чунки эрталаб ота-бола нонуштани бирга қилишганди. Отаси унга ҳеч нарса демаганди.

Машинада тўғри фермер хўжалиги даласига келишди. Ота ўғлини буғдойзорга бошлади. Пишиб етилган буғдойлар белга ўради. Майин эсган шаббодада вазмин тебранади.

- Ўғлим бу йил ҳосил чакки эмас. Бу кўпчиликнинг ризқи-кўл, дейишади. Уруш йиллари бир

бурда нонга зор бўлиб, очдан ҳалок бўлганларга гувоҳ бўлганман. Улар нон ўрнига кунжара ейишган. Истиқлол йилларида ғалла мустақиллигига эришдик. Бунга минг бор шукрона айтишимиз даркор. Ёшим ҳам бир жойга борди. Кўлимдан нима иш келса, шуни қилдим. Ҳали қиладиган ишлар олдинда. Ерни кенгайтириш, ҳов анаву йўлнинг икки четини текислаб, манзарали дарахт кўчатини экиб ёнига шинамгина шийпонча қилинса, чарчаб келганингда оёғингни узатиб, бир пиёла чой ичсанг ҳордиғинг чиқади. Қолган ишларни энди сен давом эттирасан. Мен чарчадим ўғлим. Инсон дунёга келибдики, киндик қони томган тупроқни эъзозлаб келади. Сен уни ҳурмат қилсанг, табаррук қилиб кўзингга суртсанг, у ҳам сенга бор марҳаматини, меҳрини аямайди. Сўнг дуога қўл очиб:

- Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам, - деди кўзларига ёш тўлиб. Кейин аста орқасига бурилиб катта йўлга чиқиб уйига жўнади.

Ўғил ҳайрон бўлганича ҳангу-манг бўлиб отасининг орқасидан термулиб қолди. Бир оздан сўнг ўзига келиб ердан бир сиқим тупроқни олди. Уни аввал ўпди, кейин эса кўзига суртди. Муроджон ичидан келаётган йиғисини тўхтатолмади. Энди бир-умр отаси билан кўришолмайдигандек ичидаги нидо юзага чиқди. «Айтганингиздек қиламан ота. Мана кўрасиз, сизни уялтирмайман. Фақат мени дуо қилиб турсангиз бас. Ҳаммаси учун сиздан миннатдорман. Улғайтириб, ўқитдингиз, тарбияла-

дингиз. Мен эса баъзан ёшлик қилиб кўнглингизни
оғритиб ҳам қўйганман. Мендек нодон ўғлингизни
кечиринг ота!».

Катта йўлда эса Сайдулло ака яёв кетиб борарди.
Белбоғини қўлига олиб, шашқатор кўз ёшларини
артди. Кўнгли бир оз равшан тортди: – Муроджонга
ишонса бўлади. Оғир, вазмин. У бир ишга киришса
борми уни бажармасдан қўймайди. Энг асосийси,
одамларга меҳри бор. Дунёда инсон бир-бирига
ишониб яшаса, ҳаммаси яхши бўлади.

Ўша куни уни тушида аёлини кўрди. У ҳам
нималарнидир деб дуога қўл очяпти. Ярим тунда
уйғониб кетган Сайдулло аканинг уйқуси қочди.
Демак аёли ҳам унинг қилган ишидан мамнун.
Таҳорат олиб, Куръон тиловат қилди, савобини
Тўхтаҳон опанинг руҳига бахшида этди.

Юқоридаги гап-сўзлардан сўнг орадан бир йил
ўтмасдан (2004 йил 1 июл) Сайдулло ака ҳам омон-
натини топширди.

ДЎСТЛАРИ, ҚАДРДОНЛАРИНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Синфдош дўсти Музаффаржон ота Толипов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади. - Мен Сайдулло билан тенгдош эдим. Бир маҳаллада, бир кўчада туғилиб ўсдик. Миращур атторни хотини оламдан ўтгач, Сайдуллонинг онасига уйланди. Олдинги оиласидан Абдуллажон исмли ўғли бўлиб, Миращур аттордан Шарофат ва Сайдулло дунёга келади. Миращур аттор маҳалладаги ўқимишли, ўзига тўқ одам бўлган. Бозорда дўкони бўлиб у ерда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланарди. Уйда тароқ ва бошқа буюмлар тайёрларди.

Маҳалланинг оқсоқоли Миращур атторни обрў-эътибори зиёда бўлиб, кўп ечилмаган масалалар, қилинадиган ишлар у кишини маслаҳати билан амалга ошириларди.

Сайдулло олти ойлик бўлганида отаси Миращур аттор оламдан ўтди. Онаси бир қиз, бир ўғил билан қолди. Сайдулло бир ёшга тўлганида онасини бошқа шаҳарга турмушга бериб юборишди. Энди Сайдулло ўғай акаси Абдуллажоннинг қўлида қолди.

Уруш бошланган йили айнаи ўн икки, ўн уч ёшлардаги бола эдик. Ҳамма йигитлар уришга кетган, маҳаллада қарилар ва биз ёшлар қолгандик.

Бир бурда нон топиб ейиш жуда қийин эди. Мен Сайдулло билан Поп ва Наманган йўли, Дасторқози, Тошқўрғон қишлоқларининг далаларига бориб ўтин қилардик.

Бу қишлоқларнинг атрофида юлгин, калта шувоқ, ғўзапоя каби ўтинлар кўп бўларди. Биз уни ўриб, эшакка ортиб азонда қайтиб келардик. Олиб келган ўтинларимизни Кўктилиғ ота мазоридаги «1-май», «Қизил куч» артелларига олиб келиб, топширардик.

У ерда 10 та катта қозон ўрнатилган бўлиб, ҳар бирига 60-70 литр сув қўйилиб ўчоққа биз олиб келган ўтин қаланарди. Тикувчилар сувга пиллани солиб, қайнатиб ипак олишарди. Умаржон ака Абдуллаев шу ерда ишларди, биздан ўтинларни олиб қўлимизга ҳақимизни берарди. Дарров уни уйдагиларга етказардик.

Сўнгра мактабга жўнардик. У ерда Орифхон Ахмедов, Каримжон Юлдашев ва Юнусзодалар бизга дарс беришарди. Ўқишдан келибоқ Абдулло амакини устахонасида тароқни эгов билан ўткирлаб, пардоз берардик. Сўнгра мол-қўйларга ўт ўриш учун далага жўнардик. Сайдуллони қачон ухлаб, қачон турганини, бирор марта кўрмаганман. Доим ишдан боши чиқмасди. Иш эса сира тугамасди. Ҳа, уни ёшлик йиллари жуда оғир ўтган. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: у доимо ўтин олиб келиб топширгандан кейин, чархдаги ўралаётган ипларга узоқ термулиб қоларди.

Балки ўшанда пилла соҳасида мутахассис бўлишни орзу қилгандир. Ўрта мактабни битиргач, бир муддат Кўқонга кетиб қолди. У ерга бориб чойхоначига шогирд тушиб, ўқиши учун маблағ тўплади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг пилла-чилик факультетига ўқишга кирди. Сайдуллога дўстларимизнинг ҳаммаси ҳаваси келарди. Чунки у жуда ғайратли, тиниб-тинчимас инсон эди. Қаерда ишлаган бўлса, ўша ерда албатта, бир янгиликка қўл урарди. Ўша манзилни обод қиларди.

ҲОМИДЖОН АКА ҲИКОЯСИ

Мен Сайдулло акам билан бир уйда катта бўлган-лигим учун акамдек бўлиб қолгандилар. Аслида у киши менга амаки бўлади.

Отаси вафот этганида олти ойлик чақалоқ бўлган. Бир ёшга тўлганида онаси бошқа одамга турмушга чиқиб кетди. Ўшанда акамни ҳам олиб кетишганди. Бироқ ўгай ота Сайдулло акани сиғдирмади. Отам бундан воқиф бўлиб, уни уйга олиб келдилар. Шу билан бизнинг уйда яшади. Бизни оиламиз асосан ҳунармандлик билан шуғулланарди. Бозорни ичида дўконимиз бўларди. Унда ҳунармандчилик билан топган нарсаларимиздан ташқари туз ҳам сотардик. Сайдулло акам ҳам ишдан бўшаган пайтларида бориб, ёрдам берарди. Музаффар ака айтмоқчи эшакда ўтин олиб келиб сотардик, мен ҳам бирга борардим. Унинг учун соат кечаси учда далага жўнардик. Артелга ўтинни олиб келиб топшириб, мактабга борардик. Сайдулло ака бўш қолди, дегунча, артелга жўнарди. Қозонда қайнаётган пиллани томоша

қиларди. Сўнгра ишчиларга қўшилиб ёрдам берарди. Бу инсон меҳнат қилиб, сира чарчамасди. Шунинг учун ҳам Яратган Эгам у кишига бахт берди. Қўша-қўша фарзандлар берди. Бир сўз билан айтганда, меҳнат у кишини улуғлади.

ДОИМО ЁДИМДА

Биз Сайдулло аканинг фарзандлари Мухторжон билан Кароматхон опани йўқлаб борганимизда, у киши опалари Саломатхонникида тўйда эканлар. Ўша ерда учрашиб суҳбатлашдик:

- Сайдуллажон тоғамнинг Шарофатхон исмли опалари бўлган. У киши Асқаржон деган йигитга турмушга чиққанлар. Улар мени ота-оналарим мен уч ёшга кирганимда онам касаллик билан оламдан ўтган эканлар. Опам Саломатхон ва мен эрта онадан етим қолдик. Шунча ўйласам ҳам онамни чехраларини кўз олдимга келтираолмайман. Ёшим улғай гач уларни тез-тез қўмсайдиган бўлдим. Отам уйландилар.

1960 йилнинг 8 июл кунини сира ёдимдан чиқаролмайман. Тоғамникига бир иш билан келгандим. Ҳа, эсладим, Тўхтахон келинойим Бадиий буюмлар фабрикасининг дўппичилик бўлимида ишлардилар. Ўзлари ҳам ниҳоятда чиройли, келишган чевар хотин эдилар. Дўппи тикардим, лас олгани тоғамникига келдим. Ўша куни жияним Мавжуда туғилган экан.

- Каромат, этагингни тут, - дедилар Сайдулло тоғам, - битта қизим, иккита бўлди. Шу кундан бошлаб сен ҳам қизимсан. Бизникида яшайсан. нима дейишимни ҳам, на қувонишимни на йиғлашимни билмасдим. Чунки она меҳрига зор эдим. Тоғамнинг хонадонида яшадим, мактабни битирдим. Тоғам менга оталик, келинойим оналик қилдилар. Опам Саломатхон Абдуллажон амакимникида қолди. У кишининг дадалари Миращур бобомиз ўз замонасининг илғор одамларидан бўлиб, ўта билимли, зукко инсон бўлган эканлар. Бозорда атторлик ва атлас сотадиган дўконлари, ўрикзор боғлари бир сурув қўй, моллари бўлган экан. Етим-есирни бошини силаган, бағрикенг инсон бўлиб, маҳалладаги тўй-тўйчиқлар у кишини маслаҳати билан бўлар экан. Мен шундай инсонларнинг авлоди эканлигимдан фахрланаман.

Мактабни битирганимдан сўнг, 1962 йили шаҳар касалхонаси қошида очилган икки йиллик ҳамширалар курсида таълим олдим. Ушбу шифохонанинг болалар ва жарроҳлик бўлимларида ҳамширалик қилдим. Олий тоифа олдим. Сайдулложон отам ва Тўхтаҳон онам мени Аҳмаджон Маҳмудов деган йигитга турмушга узатишди. Тўрт нафар фарзандли бўлдик. Аҳмаджон акам 13-хунар билим юртида ўқитувчи эдилар. Афсус, турмуш ўртоғимга фарзандларимизни камолини кўриш насиб этмади. 38 ёшларида вафот этдилар.

Тўрт нафар фарзандим билан қолдим. Меҳнатим билан шуларни катта қилдим. Қизларимни узатдим.

Ўғлим Аҳаджон бугунги кунда Муроджон акаси билан бирга ишлайди. Яратганга шукр, қўша-қўша набираларнинг бувисиман. Шундай доруломон кунларни кўриш насиб этганидан шукроналар айтаман.

Мени бахтим яхши инсонларни қўлида улғайганим. Тўхтаҳон аямизга ҳам қиз, ҳам сирдош дугона эдим. Болаларни яхши кўрарди. Ёш кетдилар. Ҳали-ҳали ёдимда. Умрларини охириги кунларида у кишининг ёнларида бўлиш ва хизмат қилиш менга насиб этди. Билмадим, кўнгилларини олдимми ё ололмадимми?

Ўша йиллари уларнинг кенжа ўғли Мақсуджон Душанбедаги университетда ўқирди. Ўша ердан аскарликка чақирилди. Бир йил аввал Тўхтаҳон аям бориб, Мақсуджонни кўриб қайтгандилар. У Россиянинг Хабаровский шаҳрида хизматни ўтаётган эди. Атига аскарликдан қайтишга икки ой қолганда Тўхтаҳон аям касал бўлиб ётиб қолдилар. Мақсуджон кенжа фарзанд эмасми? яхши кўрардилар. Бирдек ўғлим келяптими деб сўраганлари-сўраган эди. Мақсуджонни чақирайлик десак хизматини тугашига саноқли кунлар қолган. 1987 йил 22 декабр кuni аямиз вафот этдилар. Онасини тирикликларида кўриш Мақсуджонга насиб этмади. Шуларни ўйласам, дунёга сизмай кетаман.

Сайдулложон отамиз жуда бағрикенг инсон эдилар. Топганларини ҳаммамизга улашардилар. Чунки ўзлари қийинчилик билан катта бўлгандилар. Мени ўз қизларидек кўрардилар. Ҳозирги ўтирган уйимни қурилишида Сайдулложон отамнинг хиз-

матлари катта. Деярли кунда усталардан хабар олардилар. Ҳашар куни дам лой ташиётган, дам гишт узатаётган сира тинмасдилар. Ёрдамга келган одамлар «бу одам ростдан ҳам пилла заводининг директорими?» деб сўраганлари ҳамон ёдимда. Фарзандларимни тўйини теппасида туриб оталик қилдилар. Илоҳим ҳар икковларини ҳам жойлари жаннатдан бўлсин.

Биласиз, 1966 йилида Тошкентда жуда қаттиқ ер силкиниши бўлиб, қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлиб, қанчадан-қанчаси бошпанасиз қолди. Шунда Иброҳим Раҳматуллаев оиласи Раҳимахон билан Чустга яшаш учун келишади. Улар Чустда ҳеч кимни танишмайди. Боришга жойлари йўқ. Бир томонда кеч бўлиб қоронғулик бостириб келаётган. Шунда ишдан келаётган Сайдулложон отамга рўбарў бўлишади. Отам ҳам уларни машинасига солиб тўғри уйга олиб келадилар. Шу кундан бошлаб, ўн йилча биз билан бирга яшашиди.

Уларнинг ўғли Улуғбек Раҳматуллаев ҳозир республикамизда кўзга кўринган хонандалардан бири. Шу кунларда ҳам бу инсонлар билан борди-келдимиз бор.

Сайдулложон отамнинг яна бир бағрикенгликлари ҳақида гапириб бермоқчиман. Маҳмуджон деган йигит Чустга келиб Турсуной деган қиз билан турмуш қуради. Турсуной ҳамшира эди. Уларни яшашга уй-жойлари йўқ эди. Сайдулло отам уларни ҳам ўз уйларида жой берди. Улар бир нечта фар-

зандли бўлиб, сўнг ўзларига уй олиб кўчиб кетишди. Энди биз билган ва кўрган воқеалар ҳақида гапираяпман. Бундай яхшиликларни отамиз кўп бора қилганлар. Анашундай сахийликлари туфайли одамлар орасида обрў-эътибор топгандирлар. Бу инсонларни бир умр унутиб бўладими. Улар доимо ёдимда... юрагимда.

Саломатхон опанинг ҳикояси

Синглим Кароматхон билан икки ёш фарқимиз бор. Кароматхон тоғамни мен эса амакимни оиласида катта бўлдим. Дунёда ҳеч ким онадан етим қолмасин экан. Бежизга шоиримиз Фафур Фулом «Етимлик нимадир, бизлардан сўра» деб шеър битмаган экан. Тўғриси айтсам, биз оч қолмадик. Худога шукр тўқчиликда яшадик. Чунки тоғам билан амаким ҳам ўзларига тўқ эди. Дугоналарим ойи, деса юрагим оқиб кетарди. Онам қанақанги аёл бўлганикин... Бобомиз Мирашурнинг хонадонида кунда катта қозон қайнаб турарди. Кимлар келиб, кимлар кетмасди. Улар орасида оддий одамлардан тортиб бой-бадавлатлари ҳам бор эди. Бобомиз саховатпеша одам эдилар. Биз ана... шундай хонадонда ҳам она меҳрига зор бўлиб яшадик.

Ёшим 73 да. Етти нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Жўравой Ҳакимов билан уларни вояга етказдик. Фарзандлар ва набираларнинг қуршовидамиз.

83 ЁШЛИ МЕХНАТ ФАХРИЙСИ АБДУЛЛАЖОН АКА ЖЎРАЕВ ШУНДАЙ ХИКОЯ ҚИЛАДИ

- Мен Сайдулло Ашуровни ўз касбини фидойиси деб биламан. Чунки мен унинг гувоҳи бўлганман. Кўп йиллар район партия комитетининг ташкилий бўлими мудир бўлиб фаолият юритганман. Ишимиз асосан кадрлар билан ишлаш эди. 1972 йилда Косонсой ҳам Чуст таркибид эди. Сайдулло ака бир ишга киришдими, уни охиригача етказмасдан қўймасди. Қайси колхозга борса, ўша ерда албатта бир из қолдирарди. Бирор марта борган жойидан камчиликни бизга олиб келмасди. Ўша ерда тузатиб керак бўлса ўзи ёрдам кўрсатарди. Шунинг учун уни меҳнатини кадрлардик. Айниқса баҳор бўлдики уни ташвиши кўпаярди. Қандай бўлмасин районни кумуш тола режасини бажаришга ҳаракат қиларди. Аввало қурт-ни жонлантиришдан тортиб, кўпроқ хонадонга тарқатишга эришарди. Сўнг уни агротехникасига эътибор қаратарди. Тут баргини исроф қилмаслик учун курашарди.

Ўзбек халқида бир матал бор: «Одамни кимлигини билмоқчи бўлсанг, бирга сафарга чиқ» - деб бежизга айтилмаган экан.

Бир сафар мен, Абдурахмон Сатторов, Иззатхон Раҳматуллаев, Сайдуллажон Ашуров тўртовлон Хўжанд, Самарқанд, Термиз шаҳарларини томоша қилгани бордик. Ўшанда бу таклиф Сайдулложондан чиққанди. Чунки уянги «Москвич» русумли машина сотиб олганди.

Бир ҳафта саёҳат қилдик. Ушбу шаҳарлардаги муқаддас қадамжоларга бориб зиёрат қилдик. Қайтишда ҳаммамиз маслаҳатлашиб, шундай дарё бўйида қурилган тўққиз қавватлик «Ленинобод» меҳмонхонасида дам оладиган, эрта саҳарда Чустга жўнайдиган бўлдик.

Айтилган жойга етиб келдик. Меҳмонхонадан жой топилмади. Шунча ялинсак ҳам қўйишмади. Тунашга жой йўқ. Уни устига йўл азоби деганларидек роса чарчаганмиз. Шунда Сайдулложонни дўсти Муроджонни телефон рақамини қидириб топдик. Бу инсонни ҳам фамилияси Ашуров экан. Балки Сайдулложон шу дўстини ҳавас қилиб, ўғлининг исмини Муроджон қўйгандир.

Сайдулложон Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг пиллачилик факультетини битиргач, Тожикистонга ишга юборилади. Шунда Муроджон Ашуров Тожикистон Республикасининг қишлоқ хўжалик бошқармасининг ипакчилик бўлимига раҳбарлик қилар экан. Ҳар иккаласи ўшанда дўст тутиниб, борди-келди қилишган.

Қаранг-ки, бу, инсон нафақага чиққач, ота юрти Хўжандга келиб худди биз жой тополмай турган меҳмонхонанинг директори лавозимида ишлар экан.

Ўша заҳотиёқ етиб келиб, бизни уйига олиб кетди. Меҳмон қилди. Меҳмонхоналардан ҳам жой топилди. Эрталаб келиб, бизни Чустга кузатиб ҳам қўйди. Сўнг Муроджон Ашуров Чустга келиб бир неча бор меҳмон бўлиб кетди. Биз ҳам бу олийжаноб инсон билан қадирдон бўлиб қолдик.

Бизнинг Сайдулложонда ана шундай оқибатли дўстлари кўп эди.

ҚАДРДОН ДЎСТИ САИДАҲМАД НАСИМХОНОВНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен Сайдулложон Ашуров билан асосан олтмишинчи йилларда яқиндан танишганман. Ўша кезларда у туманда пиллачилик соҳасини бошқарарди. Мен эса «Чуст ҳақиқати» газетасида ишлардим.

Очиғини айтсам, Сайдулложондаги ғайрат, шижоат, ўз вазифасига масъулият билан қараши, чўрт кесарлиги мени диққатимни ўзига тортганди. Кейинчалик бу танишув қадрдон дўстликка айланиб қолди. Бизнинг бу қадрдонлигимизни у то умрини охиригача сақлаб, авайлаб келган ажойиб инсон эди.

Мен катта улфатлар даврасига Сайдулложон туфайли қўшилганман. Ички ишлар бўлимида ишлаган марҳум Азимжон Ҳакимов, туман қишлоқ хўжалик бошқармаси агрономлари Раҳмонжон ака Рустамов, Сайфуллажон Абдуллаев, ўсимликларни ҳимоя қилиш туман корхонасининг раҳбари Иззатиллаҳон Раҳматуллаев, туман комсомол қўмитасини котиби Азизхон Абдуазизов, педагог Валижон Тоҳировлар билан гапхўрлик қилардик. Ишдан кейин ойда бир маротаба бўладиган бу гурунгимиз жуда мароқли ўтарди. Дунё, республика, туманимиз янгиликлари, турли мавзулардаги баҳс-мунозаралар худди ҳаёт сабоқларига айланиб кетарди.

Сайдуллажонда ажиб одат бор эди. Қурт боқиш мавсуми бошландими, барча иккинчи даражали, шу жумладан улфатчиликни ҳам тамоман йиғиштириб қўяр, бор куч имкониятини режадан ортиқ «кумуш

тола» хирмонини бунёд этишга сафарбар этарди. Ҳарчанд қилмайлик уни бу аҳдидан қайтариб бўлмас, ҳатто уйига ҳам камдан-кам борарди.

Шундай тигиз кунларнинг бирида Сайдуллоҳон ишхонамга бошқачароқ кайфиятда кириб келди:

- Ўртоқжон, - деди ташвишли оҳангда. Мен Сайдуллоҳондан тўрт-беш ёш кичик бўлсам ҳам у кўп вақт шундай, деб мурожаат қиларди.

- Тинчликми? - сўрадим хавотир тортиб.

- Тинчлик, тинчлик, - деди менга тасалли бериб.

- Бир ерга бориб келсак, борсангиз кўрасиз. Икковлон «Москвич» машинасига ўтирдик. Йўл-йўлакай туманда бу йилги қурт парваришининг аҳволи тўғрисида гаплашиб борар эканмиз, Ҳисорак қишлоғидаги бир хонадон олдига келиб тўхтадик.

- Қани тушдик, - деди Сайдуллоҳон. Кирдик, не кўз билан кўрайинки айни катта даҳага барг тишлаган қуртлар сўкчакда эмас, мосламага тик қўйилган тут шохларидан шовуллаб барг еяпти. Қуртлар оппоқ, рангги тоза, бир хил бичимда, кишининг ҳаваси келади.

Мен қизиқиб сўрадим, бу янгиликни газетага берсак, нима дейсиз?

- Йўқ, - деди Сайдуллоҳон, - тажрибадан ўтказайликчи, натижаси яхши бўлса, кейин, ҳозирча ҳеч кимга айтманг деб кесатди дўстим. Маълум бўлишича бу хонадон пилладан юқори навли катта хирмон кўтарибди. Ўша йили Чустимиз республика

миқёсида пиллачиликда ҳосилдорлик жиҳатидан илғор туманлар қаторига чиқиб олганини газета-ларда тантана қилингани ҳали-ҳали ёдимда.

Сайдулложондан катта хирмон кўтаришнинг сирини мада деб сўраб қолгудек бўлсам, «озуқа базасини мустаҳкамлигида, илғор агротехникага изчил амал қилиш, синалган янгиликни дадил қўллашда», - дерди.

Шу боисдан бўлса керак, бу тиниб-тинчимас раҳбар даврида ҳар бир хўжаликда 15-20 гектарлаб яхлит тутзорлар ташкил этилиб, мавжудларига кенг қамровли ишлов бериларди. Унинг ташаббуси билан йўл четлари, ариқ бўйлари, ҳатто одамларнинг томорқаларининг этак қисмига тут кўчатлари эктирилганини ўзим гувоҳи бўлганман. Мавсум тугагандан кейин ҳам Сайдулложоннинг иши тугамасди. Каллакланган тутлардаги янги барглари пишиб етилгунча уни сидириб олинишига асло йўл қўймасди. Бунинг учун ҳар бир колхоз, совхозда махсус назоратчиларни биркиртган эди. Улар Сайдулложоннинг тинимсиз ҳаракати, қаттиқ назорати остида йил бўйи ишлардилар. Бир сўз билан айтганда у ўз вазифасининг фидойиси, ўз қўл остидаги ходимларига талабчан ва меҳрибон раҳбар эди.

Сайдулложон Ашуровни кўп қиррали инсон дейиш мумкин. У кейинги йилларда собиқ «Москва», Шўркент ҳудудидаги пахта қабул қилиш пунктларида мудир, Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик-узумчилик илмий текшириш

институтининг Чуст тажриба участкасини бошқарди, Наманган қишлоқ хўжалик техникумида муайян вақт ўқитувчилик қилди. У қаерда ишламасин ўша жамоада ўзини тиниб-тинчимаслиги, тадбиркорлиги ва ташкилотчилиги билан иззат, ҳурмат топди. Уларнинг эътиборини қозонди. Боғ-роғлар ташкил этди.

Сайдулложон бўш вақтларида кўпроқ спортнинг кўпкари-улоқ тури билан шуғулланарди. Улоқчи отлар унинг жони дили эди. Шу боисдан унинг ҳовлисида Қирғизистон, Қозоғистоннинг турли ерларидан келтирилган 2-3та зотли улоқчи отлар йил бўйи боғлиқ турарди. Сайдулложонни Чустда улоқчилар мактабининг асосчиларидан бири дейиш мумкин. Каркидонлик Абдурахмон ака, чустлик Тошпўлотжон Таваккалов, Олимжон, Шукуржон қассоб, Барот чавандоз, буларнинг номларини яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Булар борган ҳосил байрамлари ўзгача шукуҳ, завқ-шавқ билан ўтарди.

Сайдулложондаги яна бир ноёб хислат у одамижон, халқпарваргина бўлибгина қолмай, ўта очиққўл, ҳамиятли эди. Иши қанчалик тифиз бўлмасин беморлар, дўстлари кўнглини олишга вақт топарди.

Кечагидек эсимда, соат миллари тунги 24га эндиgina занг уриб бўлган пайт, дарвозамиз тақиллаб қолди. чиқдим, от минган, эғнида пўстин, телпакни бостириб кийган, оппоқ қорга бурканган бир киши турарди. Танидим, бу ўша қизиқчи дўстим Сайдулложон эди.

- Салом, ўртоқжон, - деди одатдагидек. - Янги йилларинг муборак бўлсин, мана буни олиб кириб, менинг номимдан болаларни, келинни табриклаб қўйинг, - деди эгар қулоғидаги халтадан бир ўрам нарсани менга узатар экан. Уйга шунча таклиф қилсам ҳам «йўқ, ҳали борадиган жойларим кўп», деди-ю от жиловини кўча томонга буриб, хайрлашди-да, отга қамчи солди.

Ўлимидан чамаси бир йил илгари кўчада учрашиб қолдик. Шунда у менга «Тожиаҳмад ака оғир бетоб экан, бориб кўрмаймизми!» - деб қолди. Мен дарҳол англадим, у кўп йиллар туман молия бўлимига раҳбарлик қилган Тожиаҳмад Боқиев эди. Дўстимнинг таклифига мен ҳам қўшилдим. Бозордан майда-чуйда харид қилдик. Чиндан ҳам Тожиаҳмад аканинг саломатлиги ёмонлашиб қолган экан. Сайдулложон қанча уринмасин уйга кирмади. Ташқаридаги, сўрида икки дўст ёнма-ён ўтиришди. Бироздан сўнг бошини-бошига қўйиб, унсиз йиғлашди. Мен бу ҳолатни кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолдим. Беихтиёр юрагим ларзага келди ва кўзимдан ёш қалқиди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан бу икки дўст биринкетин оламдан ўтишди. Ўшанда улар бир нарсани билгандек, бир-бирлари билан видолашган экан.

Мана, бир неча йилдирки, Сайдулложон орамизда йўқ. Бироқ унинг «ўртоқжон» деган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради.

ДЎСТИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Аслида, мен Сайдулложондан 3-4 ёш кичикман. Дўстлигимиз туфайли ўртамиздаги тафовут билинмасди. Бир-биримизга ҳурматимиз зиёда эди. Сайдулложон билан қачон дўст тутунганимни ўйласам уёшлик йилларимга бориб боғланар экан.

1961 йили собиқ Коммунизм совхози (ҳозирги Гова қишлоғи)да раис муовини бўлиб ишлардим. Сайдулложон эса Тожикистонда маълум вақт ишлаб, Чустга келиб, Бош пиллахонада агроном бўлиб иш бошлаган эди. Аввал хизмат вазифаси туфайли тез-тез совхозга келиб турган бўлса, кейинчалик дўст бўлиб, бир-биримизни қидирадиган бўлдик.

1965 йили туман ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясига раҳбарлик қилган давримда Сайдулложон Ашуровни янгидан кашф этдим. Чунки бу инсон ниҳоятда ўз ишини фидойиси эканлигини гувоҳи бўлганман.

Куз ойларида болаларни тутнинг новдасидан барглари сидирмаслиги учун назоратни кучайтирарди. Тез-тез далаларда учрашиб қолардик. Отда далани айланарди. Баҳорда яна тиниб тинчимасди. Мен бу инсонни фидойилигини қадрлардим.

Икки дўст Болгария, Руминия каби республикаларга туристик сайёҳатларга бордик. Ўша жойда ҳам Сайдуллажон дўстим сафдошларини бирортасини тоби қочиб қолса, шифокорларни чақирган, дори

топиб келарди. У жуда меҳрибон ва ғамхўр инсон эди.

Бувайда туманида Мавзур Жалилов исмли дўстимиз ўғлини уйлантираётган экан. Атайлаб Чустга келиб ҳаммамизни тўйга таклиф қилди. Бордик, шунда Сайдуллажон билан фахрланиб кетдим. Биласиз, фарғоналиклар ниҳоятда аскияга ўч ва уста бўлади. Сайдуллажон ўшалар билан теппа-тенг аския айтишди. Дўстларимиз кўярдан-кўймай ўйингга чиқаришди. Сайдулложон «Дилхирож»га шунақанги чиройли ўйнади-ки, даврадагилар ўртадан чиқаришмади. Дўстимиз ана шундай истеъдодли инсон эди.

Сўнг ана шу қадрдонлигимиз қариндошлик ришталари билан боғланди. Сайдуллажоннинг қизи Машхурахонни ўғлим Бахтиёрхонга келин қилдим. Улар қўша-қўша фарзандли бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Набирамни Муроджонни ўғлига узатдик. Яқинда улар ўғил фарзандли бўлишди. Дўстимнинг номини хотиралаб, чақалоққа Сайдулложон деб исм қўйдик.

Илоҳим, бобосидек одамларга меҳрибон, мустақил юртимизга сидқидилдан хизмат қиладиган йигит бўлсин деб дуога қўл очдик.

- Ажабмас, ҳозир Сайдулложоннинг руҳлари шод бўлаётган бўлса, - деди Иззатхон ака Раҳматуллаев маҳзун овозда. Биз қарилик гаштини сураётган бу инсонга узоқ умр сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашдик.

БАХТИЁР ОТАЖОНОВ ҲИКОЯСИ

Сайдулло ака ҳам талабчан, ҳам меҳрибон раҳбар эди. Институтни битириб, уч йил Тошкентда ишлаб, 1974 йил Чуст бош пиллахонасига ишга келдим. Сайдулло Ашуров мазкур пиллахонага раҳбар экан.

- Ёш экансиз, Худо хоҳласа кўп йиллар бирга ишлаймиз, - деди у. Ўзим туғилиб ўсган Олмос қишлоғида агроном бўлиб иш бошладим. Орадан йил ўтиб, Чуст бош пиллахонасида бош агроном вазифасига Сайдулло ака мени таклиф этди. Рози бўлдим. У киши ҳеч қачон кек сақламас, бирорта қилган хатомиз учун урушмас, ўша ишни бизга эринмасдан ўргатарди. Айбингиз бўлса юзингизга айтарди. Ишга талабчан раҳбар эди.

Пилла мавсуми бошландими, уйига ҳам бормасди. Ишхонада ётиб қоларди. Тиним билмасди. Кечаси қурт хоналарга бориб, уруғни жонлантириш жараёни билан танишар, ўртача ҳароратни аниқларди, борди-ю шу ерда бирор камчилик юзага келса, бартараф қилмасдан қайтмасди.

Айниқса, тутларнинг парвариши билан жиддий шуғулланарди. Отни миниб, далани айлангани-айланган эди. Мавсумда тутни пастки баргидан олиб, сўнг тепа қисмидан олишгача назорат қиларди. Ҳар йили деярли давлат олдидаги режаларини ортиғи билан уддалаб келарди. Бизни Сайдулло акамиз ана шундай тиниб-тинчимас инсон эди.

У кишининг яна бир фазилати, ходимларга ниҳоят-да меҳрибон эди. Инсонни бошига бирор иш тушмасин-у, агар шундай бўлиб қолса борми биринчилардан бўлиб беминнат ёрдамини аямасди. Кўп йиллар пиллахонада Сайдулло ака Мамажон Эргашев, Бурҳонжон Султонов билан бирга ишлади. Ҳаммалари ҳам меҳнаткаш ўз касбининг фидойи инсонлари эди.

Ҳамкасбларимиз Зарифжон Каттабоев, Иброҳимжон Ҳакимов, Алижон Эргашев, Олимжон Ҳакимовлар билан учрашиб қолсак албатта ўтганларни ёдга оламиз ва уларнинг охиратлари обод бўлишини Яратгандан сўраймиз.

ЯХШИДАН БОҒ

От изини, той босар, деганларидек Муроджон Ашуров ҳам отасини ишини давом эттирди. «Сайдулло Ашуров» фермер хўжалигини бошқарди. 2008 йил якунида бугдойдан ҳам, пахтадан ҳам юқори ҳосил кўтарди. Туманнинг биринчи раҳбари билан далада учрашиб қолди:

- Ҳорманг, Муроджон ака, табриклайман - деди қўлини маҳкам сиқиб биринчи раҳбар. - Сиз бундан-да катта ишларга қодирсиз. Фермер хўжалигингизга бу йил қўшимча ер беришни режалаштирганмиз.

- Ишончларингизни албатта оқлайман, - деди, Муроджон.

Бу учрашув унга катта масъулият юклади. Энди у олдинги йилларга нисбатан кўпроқ вақтини дала ишларига қаратди. Муроджон зарурат туғилганда, идорасига чопади. Ундан бўшаши билан далага отланади. Бошида бироз қийинчиликлар ҳам бўлди. Йўқ, ҳаммаси аста-секин изига тушди. Тажрибали пахтакор ва ғаллакор деҳқонлардан маслаҳат олди. Қишлоқ хўжалигига оид китоблар тинмай ўқиди. Албатта бу изланишлар ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Деҳқончиликда анча кўзи пишиб қолди. Пилла, ғалла ва пахта етиштириш шартномавий режаларни ортиғи билан бажариб, яхшигина даромад олди.

2012 йил 34 гектар ерга эрта баҳорда чигит қадашди. Белгиланган 75 тонна пахта ўрнига 87 тонна қилиб уддаланди. Кузда сепилган 52 гектардаги

буғдойдан режадаги 120 тонна ўрнига 133 тонна қилиб йиллик режа бажарилди.

Шунингдек, 2013 йилда ҳам 73 тонна пахта, 150 тонна буғдой етиштирилиб йиллик режа 110-120 фоизга уддаланди. Йил якунида сурункали режаларни уддалолмай келаётган қолоқ Одилжон, Илҳомжон Неъматовлар фермер хўжалигини 54,7 гектар ери туман ҳокимининг қарори билан Сайдулло Ашуров фермер хўжалигига қўшиб берилди.

Энди 2014 йилга келиб жами экин майдони 141,4 гектарни ташкил этди. Шундан 64 гектардаги пахтадан, 73 гектардаги ғалладан мўл ҳосил олинди, режалар ортиғи билан уддаланди.



Йўлингиз тушиб «Бибиона» зиёратгоҳидан ўтсангиз ўнг тарафдаги мўъжазгина боғга кўзингиз тушади. У баҳорда янада яшнаб кетади. Ундаги ўрик, шафтоли, бодомларнинг оппоқ гуллари қийғос очилиб, ажойиб бир манзара кашф этади. Осмони фалакка бўй чўзган азим тераклар шамолда тебранади. Боғдаги ёнғоқлар яшил либосга бурканади. Боғ этагидаги сой тўлиб тошиб оқади. Уни «Сайдулло Ашуровнинг боғи» деб аташади. Яхшидан боғ қолади деганларидек бугун уни фарзандлари парваришлаб, эъзозлаб келишяпти. Сайдулло ака умрининг охирги йилларини шу мўъжазгина боғ билан боғлаган эди. Унинг ибратли ҳаёт йўли, фарзандларга қилган панду-насиҳатлари, хайрли ишлари қолди.



*Сайдулложон ака ва рафиқаси
Тўхтаҳон опа.*



*Сайдулложон ака аёли ва ўғли
Баҳодиржон билан. (1956 йил).*



*Баҳодиржон ва Муроджон онаси
билан.*



*Абдуллажон
амаки*



*Саломатхон
опа*




Ашуровлар сулоласи. (1999 йил).




*Ҳамшира Кароматхон она иш
устида.*




Сайдулло аканинг саман отлари.



Чортоқ сяхатгоҳида. (Чандан ўнга) Азимжон Ҳакимов, (учинчи) Тождин Имомхонов, (юқоридан иккинчи) Сайдулло Ашуров, (тўртинчи) Саидахмадхон Насимхоновлар дамолувчилар билан.



Сайдулло Ашуров туман фаоллари билан.



Сурагда: чандан ўнга И.Раҳматуллаев, У.Қаҳҳоров, Самиев,
С.Ашуров ва Т.Қундузовлар 1972 йил.



Суратда: (чапдан) ўртада Зулфияхоним,
С.Ашуров, Ҳ. Абдуллаев, М.Йўлчиев,
А.Бойнўлатов, Ғ. Мамажоновлар билан.



Сайдулло Ашуров
ва Абдурахмон
Сатторов.

МУНДАРИЖА

Оддий деҳқон эди	4
Унутилмас кунлар.....	5
Жудолик.....	44
Дадил қадам	45
Дўстлари, қадрдонларининг дил сўзлари	49
Яхшидан боғ	68

Адабий-бадиий нашр

Мансур ИНЪОМ.
(Мансур ИНОМХОНОВ)

ЯХШИДАН БОҒ...

(Эссе)

Муҳаррир:	Муҳиддин МАҒЗУМОВ.
Тех. муҳаррир:	Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.
Ком. гузайнери:	Исмоялхон ТОШХОЖАЕВ.
Мусахҳиҳ:	Камолхон БОБОХОНОВ.

Теришга 13.01.2015 й. берилди. Босишга 27.04.2015 й.
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси Bodo Baltica UZ.

Оқ қоғозига офсет усулида босилди.

Бичими 60x84. 1/16 Нашриёт ҳисоб табағи 4,0.

Адади 200 нусха. Буюртма № 237.

Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

Нашриёт веб сайти: namnashr.uz
e-mail: nytab@inbox.uz

Нашриёт лицензия рақами AI-156
2009 йил 14 августда берилган

Тел: +99893 406-48-40

«Чуст босмахонаси» МЧЖ,
Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.



ISBN 978-9943-4502-9-5



9 789943 450295